

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

АВТОМОБИЛЛАРГА ЁЌИЛҒИ ҚУЙИШ СТАНЦИЯЛАРИ

ШНК 2.09.20-08

РАСМИЙ НАШР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ**

ТОШКЕНТ 2008

ШНК 2.09.-08. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁЌИЛҒИ ҚУЙИШ СТАНЦИЯЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ – ТОШКЕНТ, 2008.

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ ВА КИРИТИЛДИ: Ўз Р. ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техника мактаби (Ўз Р ИИВ ЁХОТМ):

М.С.Сабилов, Д.Х.Исраилов, М.Х.Усманов, В.М.Боркин, У.Т.Музаффаров, Н.А. Мансурходжаев

Ўз Р ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси (Ўз Р ИИВ ЁХББ):

А.И.Исламов, С.М.Жураев, Н.Б.Каримов

МУҲАРРИРЛАР: А.И.Исламов, Д.Х.Исраилов

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАНДИ: Лойиҳалаш ташкилотларининг фаолиятини мониторинг қилиш бошқармаси томонидан

Биринчи киритилиши

КЕЛИШИЛГАН: «УЗСТАНДАРТ» агентлиги, Ўз Р ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Саноатконтехназорат давлат инспекцияси.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш рухсатисиз расмий нашр сифатида тўлиқ ёки қисман кўчирилиши, кўпайтирилиши, нашр этилиши ва тарқатилиши мумкин эмас

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархитектқурилиш)	Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари	ШНК 2.09.20-08
	Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари	Биринчи киритилиши

1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1.1. Мазкур меъёрлар шу меъёрда қабул қилинган автомобилларга ёқилғи қуйиш станция (АЁҚС)ларининг синфларга бўлиниши билан чегараланган ва мотор ёқилғисини қабул қилиш, сақлаш ҳамда транспорт воситаларини у билан тўлдириш учун белгиланган янги лойиҳалаштириладиган, кенгайтириладиган ва қайта қуриладиган автомобилларга ёқилғи қуйиш станция (АЁҚС)ларига тарқалади.

Мазкур меъёрлар, шу меъёрларнинг таъсир қилишининг бошлаши даврида ишлаб турган, кенгайтириладиган ва қайта қуриладиган АЁҚСларга, мавжуд резервуар жиҳозларига тегишли қисмида ҳамда газ тўлдириш станциялари ва пунктларида ёқилғи қуйиш пункти сифатида ишлатилаётган автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларига, газ саноатига қарашли ишлаб чиқариш корхоналарининг ёқилғи қуйиш пункти сифатида ишлатилаётган автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларига тарқалмайди.

Мазкур меъёрлар шу меъёрларда қабул қилинган синфларга бўлиниши билан чегараланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станция (АЁҚС)ларнинг технологик жиҳозларига, қурилиш қисмига, жойлаштирилиши ва бош планларига бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилайди. Меъёрлар қайси идорага тегишлилиги, фаолият тури ва мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ҳамма корхона, муассаса, ташкилот ва юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

1.2. Мазкур меъёрларда қуйидаги атамалар мувофиқ равишдаги таърифлари билан қўлланилади:

газларнинг қувур орқали авария ҳолатидаги (авариявий) сарфи – технологик тизимдаги жиҳозларнинг авария ҳолатида герметиклиги бузилганидаги газларнинг қувур орқали сарфи;

бир деворли резервуарли автомобилларга газ қуйиш станцияси – технологик тизими мазкур меъёрларнинг 6.2 ва 6.3 пунктлари талабларига жавоб бермайдиган автомобилларга газ қуйиш станцияси;

ёқилғи сизиб чиқишини хавфсиз тўхтатиш – аланга тарқалишининг қуйи концентрация чегарасининг 20 % дан ортиқ концентрацияга эга ёқилғи буғлари билан ифлосланган ҳудудда одамлар бўлишини талаб қилмайдиган ёқилғи сизиб чиқишини тўхтатиш;

ёқилғи сақлаш блоки-ишлаб чиқарилган заводида умумий рамага ўрнатилган ва ер остида жойлаштириладиган ёқилғи қабул қилиш учун белгиланган, блокли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари технологик тизимининг асосий қисми;

Ўз Р ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби томонидан киритилган	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 6 феврал 2008 йил 9-сонли буйруғи билан тасдиқланган	2008 йилнинг 15- майдан кучга киради
--	--	---

газтенглаштирувчи (газтақсимловчи) тизим - деаэрация тизими умумий бирлаштирилган, бир гуруҳ резервуарлардаги ёқилғи буғ фазаси босими тенглигини таъминловчи жиҳозлар;

икки деворли резервуар - икки деворли идиш (идиш ичида идиш) шаклидаги резервуар;

технологик жиҳозлар ичида ёнувчи моддаларнинг ёпиқ ҳолда ҳаракатланиш услуги – ёнувчи модданинг технологик жиҳозлар ичида ҳаракатланиши, бунда шу моддаларнинг атмосфера билан фақат аланга тарқалишининг олдини олувчи қурилма орқали алоқа (контакт) қилишига йўл қўйилади;

ёқилғи қуйиш оролчаси – ёқилғи қуйиш пайтида транспорт воситасининг тўхтаб туриши учун белгиланган технологик майдонча;

ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис ҳизмати кўрсатиш бино (хона)лари (15 тагача одам сиғадиган кафелар, савдо залининг умумий майдони 20 м²дан ортиқ бўлмаган эҳтиёж моллари магазини ва санузеллар) - ҳайдовчи ва йўловчиларга ҳизмат кўрсатиш бино (хона)лари;

транспорт воситаларига сервис хизмати (ювиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш постлари) кўрсатиш биноси (ҳонаси) – транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишларни бажариш назарда тутилган бино (ҳона);

ёқилғи сақлаш контейнери – ишлаб чиқарилган заводида умумий рамага (яхлит қурилма шаклида) ўрнатилиб ва ер устида ўрнатиладиган ёқилғини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган технологик тизим;

тарқатиш (бериш) тизмаси - ёқилғининг резервуардан ёқилғи тарқатиш колонкаларига келишини таъминлайдиган жиҳозлар мажмуи;

деаэрация тизмаси - резервуар бўш ҳажмининг атмосфера билан алоқасини таъминлайдиган жиҳозлар мажмуи;

тўлдириш тизмаси – автоцистернадан резервуарни ёқилғи билан тўлдирилишини таъминлайдиган жиҳозлар мажмуи;

чўккинди (шлам)дан тозалаш тизамси - таркибида майда чўккиндилари бўлган маҳсулот ости сув қатламининг чиқариб юборилишини таъминлайдиган жиҳозлар мажмуи;

рициркуляция тизмаси – ёқилғи буғларининг туташ, берк контур бўйлаб айланиши (циркуляцияси)ни таъминлайдиган жиҳозлар мажмуи;

одамлар кўп йиғиладиган жойлар (ҳудудлар) – бир вақтнинг ўзида 100дан ортиқ одам йиғилиши мумкин бўлган жойлар, бозорлар, ярмаркалар, стадионлар ҳамда транспорт бекатлари, метро станцияларидан чиқиш жойлари. Одамлар кўп йиғиладиган жойлар маъмурий – ҳудудий бирлик маъмурияти томонидан аниқланади;

кўп бўлма (камера)ли резервуар – ички бўшлиғи бир нечта бўлмаларга герметик тўсиқлар билан бўлинган резервуар;

сўриш-узатиш (перекачка қилиш) насослари – технологик тизим таркибига кирувчи ва ёқилғини автоцистернадан ёқилғи сақлаш резервуарларига сўриб - узатиб берувчи насос;

автоцистерна учун майдонча - автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларида ёқилғини оқизиш (тўкиш)- қуйиш операцияларини бажариш пайтида автоцистерналарнинг тўхтаб туриши учун белгиланган технологик майдонча;

ўзи ишга тушадиган ёнғин ўчиргич – ёнғин ўчоғининг иссиқлиги таъсирида ишга тушадиган ёнғин ўчиргич;

кўп ёқилғили автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг мустақил қисми (участкаси) – мотор ёқилғисининг бирор бир турини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган, кўп ёқилғили автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари

технологик тизимининг бир қисми сифатида лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган жиҳозлар мажмуи;

чқариб юбориш қувури – сиқилган табиий газ ёки суюлтирилган углеводородли газларнинг буғларини атмосферага ёндирмасдан чқариб юбориш учун белгиланган вертикал қувур;

резервуар шахтаси ёки технологик қудуқ бўшлиғи – ҳаво билан тўлдирилган резервуар шахтаси ёки технологик қудуқ бўшлиғи;

икки деворли резервуарларнинг герметиклигини бирлаштирилган назорат қилиш тизими – резервуар ташқи девори герметиклигини даврий ва ички девори герметиклигини доимий назорат қилиш учун белгиланган жиҳозлар мажмуи;

резервуарнинг герметиклигини даврий назорат қилиш тизими - автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари ходимлари томонидан резервуарлар герметиклигини аниқлаш учун белгиланган жиҳозлар мажмуи;

резервуарнинг герметиклигини (икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғини) доимий назорат қилувчи тизим – резервуар (икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғини) герметиклиги бузилганлигини эрта аниқлаш учун белгиланган жиҳозлар мажмуи;

технологик бўлма – технологик тизимнинг ўралган, технологик жиҳозлар жойлаштирилган майдони;

технологик тизим - автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларида ёқилғини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун махсус лойиҳалаштирилган, ўрнатилган ва ишлатиладиган жиҳозлар мажмуи;

газли мотор ёқилғиси - ички ёнув двигателларида ишлатиладиган суюлтирилган углеводородли газ (суюлтирилган пропан-бутан) ва сиқилган табиий газ;

суюқ мотор ёқилғиси - ички ёнув двигателларида ишлатиладиган бензин ва дизель ёқилғиси;

1.3 Мазкур меъёрларда автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларининг қуйидагича синфларга бўлиниши қабул қилинган:

кўп ёқилғили автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - ҳудудида транспорт воситаларини икки ёки уч хил турдаги ёқилғи билан тўлдириш назарда тутилган, орасида мотор ёқилғиси (бензин ва дизель ёқилғиси), суюлтирилган углеводородли газ(суюлтирилган пропан-бутан) ва сиқилган табиий газ билан тўлдириш ҳуқуқига эга бўлган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

ёқилғи қуйиш пункти - корхона ҳудудида жойлашган ва фақат шу корхона транспорт воситаларини ёқилғи билан таъминлаш учун белгиланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

анъанавий (одатдаги, одатий) автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - технологик тизими транспорт воситаларини фақат суюқ ёқилғи билан тўлдириш учун белгиланган ва ҳавзалари ер остида жойлашганлиги билан тавсифланадиган ҳамда ёқилғи тарқатиш колонкалари билан уланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

блокли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - технологик тизими транспорт воситаларини фақат суюқ ёқилғи билан тўлдириш учун белгиланган ва ҳавзалари ер остида жойлашганлиги билан тавсифланадиган ҳамда ёқилғи тарқатиш колонкалари ёқилғи сақлаш блоки устида жойлашган , заводда ишлаб чиқарилган яхлит қурилма шаклидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

модулли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - технологик тизими транспорт воситаларини фақат суюқ ёқилғи билан тўлдириш учун белгиланган ҳавзалари ер устида жойлашган ва ёқилғи тарқатиш колонкалари ҳамда ёқилғи сақлаш контейнерлари билан уланган, заводда яхлит қурилма шаклида ишлаб чиқарилган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - технологик тизими транспорт воситаларини фақат суюқ ёқилғи билан тўлдириш учун белгиланган ҳавзалари ер устида жойлашганлиги билан тавсифланадиган ва ёқилғи тарқатиш колонкалари контейнернинг ўзида жойлашган, заводда яхлит қурилма шаклида ишлаб чиқарилган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

кўчма автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари - транспорт воситаларини фақат суюқ ёқилғи билан тўлдириш учун белгиланган, технологик тизими автомобиль шассиси, прицепа ёки яримприцепига ўрнатилган ва заводда яхлит қурилма шаклида ишлаб чиқарилган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияси (АГТКС) - технологик тизими фақат юк ташиш, махсус ва енгил транспорт воситаларининг ёқилғи тизимидаги баллонларни сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

кўчма газ тўлдириш станцияси (КГТАС) - технологик схемаси фақат автомобилларнинг ёқилғи тизими баллонларини сиқилган табиий газ билан тўлдириш учун белгиланган ва сиқилган газ резервуари ва тарқатиш колонкаси автомобил шассисида, прицепа ёки яримприцепига ўрнатилиши билан тавсифланадиган ва заводда яхлит қурилма шаклида ишлаб чиқарилган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

автомобилларга газ қуйиш станцияси (АГҚС) - технологик тизими фақат юк ташиш, махсус ва енгил транспорт воситаларининг ёқилғи тизимидаги баллонларни суюлтирилган углеводородли газ билан тўлдириш учун белгиланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

кўчма автомобилларга газ қуйиш станциялари - транспорт воситаларига фақат суюлтирилган газ қуйиш учун белгиланган, технологик қисми автомобиль шассиси, прицепа, ёки яримприцепига ўрнатилган ва заводда яхлит қурилма шаклида ишлаб чиқарилган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари.

1.4. Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини лойиҳалаштиришда серияли (ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган) ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда келишилган, техник – эксплуатацион ҳужжатларига (ТЭХ) эга бўлган ёқилғи қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш технологик тизимларини назарда тутиш лозим;

1.5. ТЭХ автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари бино ва иншоотларга, уларни ишлатиш даврида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга (шу жумладан регламентли ва таъмирлаш ишларини, ёнғин хавфи туғилган ва ёнғин содир бўлган шароитларда ходимларнинг ҳаракатига) бўлган талаблар ҳамда технологик тизим конструкциялари, технологик параметрлари (кўрсаткичлари), ишлаб чиқарган заводнинг хизмат қилиш даври ва кафолат мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларини ўз таркибига олган бўлиши шарт;

1.6. Ёқилғи қуйиш пунктларига бўлган ёнғин хавфсизлиги талабларини 1-илова, автомобилларга суюқ мотор ёқилғисини қуйиш кўчма станцияларига бўлган талабларни 2-иловага мувофиқ аниқлаш лозим;

Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини лойиҳалаштиришда, қуришда ва қайта қуриш (реконструкция қилиш)да ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари билан бир қаторда белгиланган тартибда тасдиқланган амалдаги меъёрий ҳужжатлар томонидан аниқ белгиланган портлаш хавфсизлиги, газ хавфсизлиги, экологик хавфсизлик ва бошқа талабларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

2. ЖОЙЛАШТИРИШГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

2.1. УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

2.1.1. Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари кўп ҳолларда турар жой, ишлаб чиқариш ва жамоат бино (иншоот)ларининг шамол устунлик қиладиган йўналишдан (йиллик «муайян эсувчи шамоллар йўналиши» бўйича) тескари томонида жойлаштирилиши зарур.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини кесишган кўприк йўл устида ва остида ҳамда сузиб юривчи воситаларда жойлаштиришга рухсат этилмайди.

2.1.2. Майдонида бино ва иншоотларнинг жойлашишини ҳисобга олган ҳолда автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг режавий тузими авария ҳолатида тўқилган суюқликларнинг автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси майдони бўйлаб ҳамда ундан ташқарига ёйилиб кетишига йўл қўймайдиган бўлиши лозим.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларига кириш ва чиқиш жойларида баландлиги 0,2 метрдан кам бўлмаган қия кўтарма ёки нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ёмғир, қор сувларини автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг тозалаш иншоотларига тушириб юборадиган дренаж тарновлар ўрнатиш зарур.

2.1.3. Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини жойлаштиришда қуйидаги минимал масофаларни аниқлаш лозим:

ёқилғи сақлаш резервуар (сиғим)лар ва авария ҳолатидаги резервуарлардан, ичида ёқилғи ёки унинг буғлари бўлган ердаги ва ер устидаги асбоб-ускуналар деворларидан, ёқилғи тарқатиш колонкалари ва суюлтирилган ёки сиқилган углеводородли газларни тарқатиш колонкалари корпусидан, автоцистерна учун белгиланган майдонча ва технологик қудуқлар чегарасидан, тозалаш иншоотларининг технологик жиҳозлари деворларидан, АЁҚС биноси ташқи девори ва конструкцияларидан-

мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатлар, стационари бўлган даволаш муассасаси ер майдонининг чегарасигача ҳамда бошқа мақсадлар учун белгиланган турар жой ва жамоат биноларининг учун эса – дераза (эшик)ларигача;

хонанинг энг яқин деворигача (битта бинода функционал белгиланиши бўйича турли хилдаги хоналар жойлашганида).

Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси ходимлари учун белгиланган, ҳайдовчиларга, йўловчиларга ва уларнинг транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш бино (хона)ларидан то автомобилларга ёқилғи қуйиш станциясига тегишли бўлмаган объектларгача бўлган масофалар мазкур меъёрларда аниқ белгиланмайди.

Автомобил йўллари ва аҳоли яшаш пункти кўчаларигача бўлган минимал масофа уларнинг тоифасига боғлиқ ҳолда ШНК 2.07.01-03 бўйича аниқланади, чунончи:

умумшаҳар аҳамиятига эга магистрал йўл ва магистрал кўчаларгача – худди I, II ва III тоифадаги умумий тармоқ автомобил йўлларигача бўлганидек;

посёлка йўлларигача, туман (район) аҳамиятидаги магистрал кўчаларгача, қишлоқларнинг бош ва асосий кўчаларигача - худди IV ва V тоифадаги умумий тармоқ автомобил йўлларигача бўлганидек;

қолган йўл ва кўчалар учун – меъёрлаштирилмайди.

2.1.4. Резервуарлари ер устида жойлашган суюқ мотор ёқилғиси сақлаш учун белгиланган автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари икки турга бўлинади:

А тури - умумий сиғими 20 м³ дан ортиқ бўлган контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

Б тури - умумий сиғими 20 м³ дан ортиқ бўлмаган контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари;

Контейнерли автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари резервуарларининг умумий ҳажми улар аҳоли яшаш пунктлари ҳудудида жойлаштирилса 40 м³дан ва аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида жойлаштирилса 60 м³дан ошмаслиги лозим;

Автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг резервуарлари ёки камералари ҳар бирининг ҳажми (камералари ораси икки қватли девор билан ажратилган кўп камерали резервуарлар ишлатилганида) улар аҳоли яшаш пунктлари ҳудудида жойлаштирилса 10 м³дан ва аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида жойлаштирилса 20 м³дан ошмаслиги керак.

Модули автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг умумий сиғимини ва резервуарларидан ҳар бирининг ҳажмини (шу билан бир қаторда автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларини А ва Б турларига бўладиган катталики ҳам) 2 маротабагача кўпайтириш мумкин.

Суюқ мотор ёқилғисини сақлаш учун белгиланган бир деворли резервуарлар ишлатилганида сиғими бўйича кўрсатилган параметрларни бажарилиши шарт бўлган (шартли) 3-иловага мувофиқ аниқлаш лозим.

2.1.5. Суюқ мотор ёқилғили автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларига қарашли объектларгача бўлган минимал масофа 1- жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

2.1.6. Резервуарлари ер остида жойлашган АЁҚС ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар орасидаги минимал масофа 2-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

1-жадвал

№ т/р	Оралиқ масофаси аниқланиши зарур бўлган объектлар номи	резервуарлари ер остида жойлашган АЁҚСдан бўлган масофа	резервуарлари ер устида жойлашган АЁҚСдан бўлган масофа	
			А тури	Б тури
1	Ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий-маиший ва саноат корхоналарининг иншоотлари (10 сатрда кўрсатилганларидан ташқари)	15	25	
2	Ўрмонлар:			
	игнабаргли ва аралаш	25	40	30
	баргли	10	15	12
3	Уй-жой ва жамоат бинолари	25	50	40
4	Одамлар кўп йиғиладиган жойлар	25	50	
5	Индивидуал гаражлар ва автомобиллар учун очиқ турар жой	18	30	20
6	Савдо дўконлари	20	25	
7	Умумий тармоқ автомобил йўллари (қатнов қисмининг чети)			
	I, II ва III тоифали	12	20	15
	IV ва V тоифали	9	12	9
	Электрлаштирилган шаҳар транспорти қатнов йўли (контакт тармоғигача)	15	20	20
8	Умумий тармоқ темир йўллари(кўтарманинг нишаби пастки чети ёки ўйилган жойнинг чети)	25	30	

9	АЁҚСга тегишли бўлмаган канализациянинг тозалаш иншоотлари ва насос станциялари	15	30	25
10	Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар*, радиоактив ва ГОСТ 12.1.007 бўйича хавфлилиги I ва II синфга мансуб зарарли моддалар мавжуд бўлган бино ва иншоотлар	100		
11	Электр узатиш тармоқлари, электрподстанциялар (шу жумладан трансформатор подстанциялари)	ПУЭ бўйича		
12	Ёғоч материаллари, толасимон ёнувчи моддалар, пичан, сомон омборлари	20	40	30
13	Пахта далалари ва ғалла экинлари майдон (массив)лари, хирмон, ғарам ва ҳ.к.	75	100	
14	Кўприклар, кўприкйўл (путепровод)лар	75	100	

* Ичида ёнувчи газ; енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учкун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилғи сифатида ёқиладиган ёки утилизация қилинадиган ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} дан ортиқ бўлса.

Изоҳ: 1. Резервуарлари ер устида жойлашган ҳамда резервуарлари ер остида жойлашган АЁҚСдан 1-жадвалда кўрсатилган С0 ёки С1 синфига мансуб оловга бардошлилик даражаси I ва II бўлган турар жой ва жамоат биноларигача бўлган масофани 25%гача камайтириш мумкин, ер устида жойлашган бир деворли томёпмали резервуарларгача бўлган масофадан ташқари.

2. АЁҚС технологик тизими флегматизация ёки бошқа алангаланишни ва/ёки технологик жиҳоз ичидаги буғ-ҳаво аралашмасининг ёниб кетишини олдини олиш тизимлари билан таъминланганида 1-жадвалда кўрсатилган масофаларни 25%гача камайтиришга рухсат берилади (3,4,10,11-сатрларда кўрсатилганларидан ташқари).

3. АЁҚС ўрмон яқинида жойлаштирилганида нинабаргли ва аралаш ўрмонгача бўлган масофани икки марта камайтиришга рухсат этилади, бунда ўрмон ва АЁҚС чегарасига туташ майдон чегараси узунлиги бўйлаб ер юзаси ўз сиртида ёнғин тарқалишига йўл бермайдиган материаллардан бажарилган қопламага эга ёки ер 5 метр кенгликда ҳайдалган бўлиши керак.

№ т/н	АЁҚС бино ва иншоотларининг номи	Графада ёзилиш тартибида мувофиқ равишда бино ва иншоотлар орасидаги номинал масоф ... номи), м							
		1	2	3	4	5	6	7	8
1	Ёқилғи сақлаш учун ер ости резервуарлари	-	9	-	10	12	15	17	-
2	Ёқилғи тарқатиш колонкалари	9	-	-	9	9	15	17	4
3	Автоцистерна учун майдон	-	-	-	9	9	15	15	-
	АЁҚС ходимлари ва транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш биноси								
4	С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II ва III бўлган	10	9	9	6	9	9	9	9
5	С0 синфига мансуб, оловга Бардошлилик даражаси IV бўлган	12	9	9	9	12	9	12	9
	Ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш биноси								
6	С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II ва III бўлган	15	15	15	9	9	6	9	15
7	С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси IV бўлган	17	17	15	9	12	9	12	15
8	Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ёмғир, қор сувларини тозалаш иншоотлари	-	4	-	9	9	15	15	-

Изоҳ: 1. «-» белги билан кўрсатилган масофалар меёрланмайди ва бошқа ҳолатлар мазкур меёрда қайд этилмаган бўлса бинонинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

2. Блокли АЁҚС лойиҳалаштирилганда ёқилғи сақлаш резервуарлари ва ёқилғи қуйиш колонкалари орасидаги масофа меёрланмайди.

3. Лойиҳа топшириғида резервуарларни автоцистернадан ёқилғи билан тўлдириш пайтида ишдан тўхтатилиши назарда тутилмаган АЁҚС лари учун автоцистерна ўрнатиладиган майдондан ёқилғи тарқатиш колонкасигача бўлган масофани 9 метрдан кам бўлмайдиган қилиб қабул қилиш, АЁҚС бинолари ва иншоотларигача бўлган масофани 30% га ошириш лозим.

4. Трансформатор подстанциясидан АЁҚС бино ва иншоотларигача бўлган масофа ПУЭ талабларига мувофиқ қабул қилинади.

2.1.7. Резервуарлари ер устида жойлашган суюқ мотор ёқилғили АЁҚС ҳудудида бино ва иншоотлари орасидаги минимал масофа 3-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

№ т/н	АЁҚС бино ва иншоотларининг номи	« ... номи» сатрида (графадасида) ёзилиш тартибида мувофиқ равишдаги бино ва иншоотлар орасидаги номинал масофа, м.				
		1	2	3	4	5
1	Ёқилги сақлаш контейнерлари	-	13	-	12	-
2	Ёқилги тарқатиш колонкалари	13	-	13	12	4
3	Автоцистерна учун майдон	-	13	-	12	-
4	АЁҚС ходимлари учун белгиланган бино	12	12	12	-	9
5	Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ёмғир қор сувларини тозалаш иншоотлари	-	4	-	9	-

Изоҳ: 1. «-» белги билан кўрсатилгани ҳамда ёқилги тарқатиш колонкаларидан ёқилги сақлаш контейнерлари ва контейнерли АЁҚС даги автоцистерналар учун белгиланган майдонгача масофа меъёрланмайди ва бошқа ҳолатлар мазкур меъёрда қайд этилмаган бўлса бинонинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

2. Технологик бўлмалари қарама-қарши жойлашган ёқилги сақлаш контейнерлари орасидаги масофани 4 метрдан кам бўлмайдиган қилиб қабул қилиш лозим.

3. Ҳайдовчи, йўловчи ва транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш биноларигача бўлган масофа 2- жадвалдан қабул қилинади.

2.1.8. АЁҚС даги автоцистерналар учун белгиланган майдон четидан ер устида жойлашган технологик жиҳозларгача, бостирма конструкциялари ва ер ости резервуарларининг технологик шахталаригача бўлган масофа 2 метрдан кам бўлмаслиги зарур. Агар ер ости резервуарлари технологик шахталарининг ички бўшлиғи ёнмайдиган материал билан тўлдирилган бўлса, у ҳолда шахталаргача бўлган масофа меъёрланмайди.

2.1.9. АЁҚС девор билан ўралган бўлса, у шамол ўтадиган ва ёнмайдиган материалдан бажарилган бўлиши керак.

2.1.10. АЁҚС ҳудудида транспорт воситаларининг ҳаракати одатда бир томонлама бўлиши зарур. Бу ҳолда алоҳида кириш ва чиқиш назарда тутилиши зарур.

Автоцистернанинг оқизиш-қуйиш майдонидан АЁҚС ҳудудидан чиқишгача бўлган йўлни энг қисқа бўладиган қилиб лойиҳалаштириш лозим.

2.1.11. АЁҚС ҳудудини гуллаган пайтида ўзидан парча-парча, толали моддалар ва тук қоплаган уруғлар ажратадиган бута ва дарахтлар билан кўкаламзорлаштиришга йўл қўйилмайди.

2.1.12. АЁҚС ларни ёнғин тарқалиши мумкин бўлган қишлоқ ҳужалиги экинлари (ғалла, пахта ва ҳ.к.) яқинида жойлаштирилганида АЁҚС нинг экинзорга туташ бўлган майдон чегараси узунлиги бўйлаб ер юзаси ўз сиртида ёнғин тарқалишига йўл бермайдиган материаллардан бажарилган қопламага эга ёки ер 5 метр кенгликда ҳайдалган бўлиши керак.

2.2. КҮП ҒИЛҒИЛИ АЁҚС, АГТКС ВА АГҚС ЖОЙЛАШТИРИЛИШИГА ВА ХУДУДИГА БҮЛГАН ТАЛАБЛАР

2.2.1. Күп ғилғили АЁҚС да тақиқланади:

Күчма АЁҚСларни;

АЁҚС нинг резервуарлар (сиғимлар, баллонлар)ини ёки транспорт воситаларининг ғилғи тизимини тўлдириш технологик тизимига таъллуқли бўлмаган ғилғи билан тўлдириш пунктларини;

газтақсимлаш пунктини жойлаштириш.

2.2.2. Күп ғилғили АЁҚС ларини ишга туширишдан олдин **ГОСТ 12.4.026** да назарда тутилган ёнғин хавфсизлиги белгилари илинган (ўрнатилган) бўлиши шарт.

2.2.3. Сиқилган табиий газни қабул қилиш тайёрлаш ва сақлаш бинолари, иншоотлари ва жиҳозлари ҳамда СУГ резервуарлари жойлашган омбор майдони ҳудуд чегарасини белгиловчи, бегона кишилар учун ёпиқ ва ёнмайдиган материаллардан тайёрланган, шамол ўтишига тўсқинлик қилмайдиган мустаскил тўсиқ (девор)га эга бўлиши керак. Кўрсатилган майдон ҳудудига кириш–чиқиш жойларида ўтишни (ҳаракатни) чеклагич назарда тугилиши керак.

2.2.4. Күп ғилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС (бир деворли резервуарли АГҚСдан ташқари)лардан уларга тегишли бўлмаган объектларгача бўлган минимал масофа 4-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

2.2.5. АЁҚС бино ва иншоотлари орасидаги минимал масофани 5-жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

4-жадвал

№ т/н	Оралиқ масофаси аниқланиши зарур бўлган объектлар номи	Бино, иншоот ва жиҳозлардан АЁҚС технологик тизимигача бўлган масофа, м.	
		ичида СУГ борлигида	ичида сиқилган газ борлигида
1	Ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий- маиший ва саноат корхоналарининг иншоотлари (10 сатрда кўрсатилганларидан ташқари)	40	25
2	Ўрмонлар:		
	игнабаргли ва аралаш	50	30
	баргли	25	15
3	Уй-жой ва жамоат бинолари	60	120
4	Одамлар күп йиғиладиган жойлар (масканлар)	60	120
5	Индивидуал гаражлар ва автомобиллар учун очик турар жой	40	30
6	Савдо дўкони	60	35
7	Умумий тармоқ автомобил йўллари (қатнов қисмининг чети)		
	I, II ва III тоифали	25	15
	IV ва V тоифали	25	12
	Электрлаштирилган шаҳар транспорти қатнов йўли (контакт тармоғигача)	25	15
8	Умумий тармоқ темир йўллари(ўтарманинг нишаби пастки чети ёки ўйилган жойнинг чети)	40	30

9	АЁҚСга тегишли бўлмаган канализациянинг тозалаш иншоотлари ва насос станциялари	60	15
10	Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар*, радиоактив ва ГОСТ 12.1.007 бўйича хавфлиги I ва II синфга мансуб зарарли моддалар мавжуд бўлган бино ва иншоотлар	100	100
11	Электр узатиш тармоқлари, электрподстанциялар (шу жумладан трансформатор подстанциялари)	ПУЭ бўйича	
12	Ёғоч материаллари, толасимон ёнувчи моддалар, пичан, сомон омборлари	50	30
13	Пахта далалари ва ғалла экинлари майдон (массив)лари, хирмон, ғарам ва ҳ.к.	100	100
14	Кўприклар, кўприк йўл (путепровод)лар	100	100

*Ичида ёнувчи газ; энгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учкун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилғи сифатида ёқиладиган ёки утилизация қилинадиган ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} дан ортиқ бўлса.

Изоҳ: 1. Ерга чуқурлаштирилган ёки ер остида жойлашган ичида сиқилган табиий газ бўлган технологик жиҳозлардан 1,5 ва 12-сатрларда кўрсатилган масофани 50%гача камайтиришга йўл қўйилади.

2. 3 ва 4 сатрларда кўрсатилган 120 м масофа ҳажмли сиқилган табиий газ аккумуляторларига тегишлидир. Ҳажмли сиқилган табиий газ аккумуляторлари ер остида жойлаштирилган ҳолларда 3 ва 4 сатрларда кўрсатилган масофаларни 60 метргача камайтириш мумкин.

3. Умумий сифими $1,6 \text{ м}^3$ дан, баллонлар сони 20 тадан ортиқ бўлмаган ҳажмли сиқилган табиий газ аккумуляторлари блоки ер устида жойлаштирилганда 3 ва 4 сатрларда кўрсатилган масофаларни 40 метргача, умумий сифими $1,6 \text{ м}^3$ дан, баллонлар сони 20 тадан ортиқ бўлганда эса 3 ва 4 сатрларда кўрсатилган масофаларни 60 метргача камайтиришга йўл қўйилади. Сиқилган табиий газ аккумуляторлари ер остида жойлаштирилган ҳолларда мазкур масофаларни 35 метргача камайтириш мумкин.

4. АЁҚС нинабаргли ва аралаш ўрмон яқинида жойлаштирилганида улар орасидаги ва ичида сиқилган табиий газ бўлган технологик жиҳозлар орасидаги масофани икки мартагача камайтиришга рухсат этилади, агар кўрсатилган жиҳозлар ер остида жойлашган ёки ерга чуқурлаштирилган бўлса. Бунда ўрмон ва АЁҚС чегарасига туташ майдон чегараси узунлиги бўйлаб ер юзаси ўз сиртида ёнғин тарқалишига йўл бермайдиган материаллардан бажарилган қопламага эга ёки ер 5 метр кенгликда ҳайдалган бўлиши керак.

5. СУГ буғларини чиқариб юбориш қувуридан АЁҚС га тегишли бўлмаган объектларгача бўлган минимал масофа мазкур меъёр талабларига мувофиқ ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

№ т/р	АЁҚС бино ва иншоотларининг номи	« ... номи» сатрида (графада) ёзилиш тартибида мувофиқ равишдаги бино ва иншоотлар орасидаги номинал масофа, м.													
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1.	СУГ сақлаш учун ер ости резервуарлари	-	-	*	15	20	20	20	20	10	15	20	35	35	15
2.	Суюқ мотор ёқилғиси сақлаш учун ер ости резервуарлари	-	-	*	*	10	10	**	-	10	**	**	20	**	**
3.	Ичида сиқилган табиий газ бўлган технологик жиҳозли бино (иншоот)	*	*	*	10	10	6	10	10	*	-	9	25	25	10
4.	СУГларни оқизиш-қуйиш учун белгиланган жиҳозли бино (иншоот)	15	*	10	-	20	20	20	6	10	15	9	35	35	6
5.	СУГ тарқатиш колонкалари	20	10	10	20	-	4	4	20	15	4	9	35	35	10
6.	Сиқилган табиий газ тарқатиш колонкалари	20	10	6	20	4	-	8	20	15	4	9	20	20	10
7.	Суюқ мотор ёқилғиси тарқатиш колонкалари	20	**	10	20	4	8	-	20	15	4	**	20	**	**
8.	СУГ автоцистернаси учун майдон ва ташқарида жойлашган СУГларни оқизиш-қуйиш қурилмалари	20	-	10	6	20	20	20	-	15	15	9	35	35	15
9.	Ерда ва ер устида жойлашган ичида сиқилган табиий газ бўлган ташқи технологик қурилмалар	10	10	*	10	15	15	15	15	-	4	9	35	35	15
10.	Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ёмғир, қор сувларини тозалаш иншоотлари (қабул қилиш тарновларини ҳисобга олган ҳолда)	15	**	-	15	4	4	4	15	4	-	**	4	**	**
11.	Алоҳида турган операторлар биноси (иншооти)	20	**	9	9	9	9	**	9	9	**	-	9	**	**
12.	қозонхона, СУГ ва сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни ювиш постлари	35	20	25	35	35	20	20	35	35	4	9	20	35	35
13.	1-12 сатрларда кўрсатилган бино ва иншоотлардан ташқари	35	**	25	35	35	20	**	35	35	**	**	35	**	**
14.	Суюқ мотор қилғили автоцистерна учун майдон	15	**	10	6	10	10	**	15	15	**	**	35	**	-

Изоҳ: 1. «-» белги билан кўрсатилган масофа меъёрланмайди ва бинонинг конструктив хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади, «*» белги билан кўрсатилган масофа энг баланд бино (иншоот)нинг 1,5 баландлигидан кам бўлмаслиги керак., «**» белгилари 2-жадвалдан аниқланади.

2. Сиғим жиҳозлари чуқурлаштирилган ичида сиқилган табиий газ бўлган ташқи технологик қурилмалардан 5-жадвалда кўрсатилган (10-сатрдан ташқари) бино ва иншоотларгача бўлган

масофани 50%гача камайтиришга йўл қўйилади. Бунда биноларгача бўлган масофа шу бинолар 1,5 баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

3. Ер остида жойлашган ичида сиқилган табиий газ бўлган технологик қурилмалардан ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш биноси ва иншоотларигача бўлган масофа 10 метрдан, 5-жадвалда кўрсатилган бошқа бино ва иншоотлар учун 4 метрдан кам бўлмаслиги зарур.

4. Автомобилларни сиқилган табиий газ билан тўлдириш оролчаларини СУГ билан тўлдириш оролчаларининг ҳимоя экранларига ўхшаш ҳимоя экранлари билан жиҳозлаганда сиқилган табиий газ билан тўлдириш колонкаларидан АЁҚС бино ва иншоотларигача 2,3,7,9-13-устунларда кўрсатилган масофани 50%гача камайтиришга йўл қўйилади.

5. СУГ буғларини чиқариб юбориш қувиридан АЁҚС бино ва иншоотларигача бўлган минимал масофа мазкур меъёр талабларига мувофиқ ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

6. Блокли АГҚС ишлатилганида резервуарлар ва насос станцияси орасидаги масофа меъёрланмайди.

2.2.6. АЁҚС ёқилғи қуйиш пунктлари сифатида ишлатиладиган автотранспорт корхоналаридан ташқари бошқа корхоналар ҳудудида кўп ёқилғили АЁҚС жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС (бир деворли резервуарли АГҚСдан ташқари)лардан автотранспорт корхоналаридаги бино, иншоот ва ташқи қурилмалар жойлашган майдонгача бўлган масофаларни 6-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

6-жадвал

№ т/н	Автотранспорт корхоналаридаги бино, иншоот ва ташқи қурилмалар номи	Ичидаги технологик тизим жиҳозларда СУГ ёки сиқилган газ бўлган АЁҚС биноларигача бўлган масофа, м.		Технологик тизим жиҳозларда СУГ ёки сиқилган газ бўлган АЁҚС ташқи қурилмаларигача бўлган масофа, м.		СУГ ёки сиқилган газ тўлдириш колонкасигача бўлган масофа, м.		СУГ автоцистернаси майдонигача бўлган масофа, м.
		СУГ	сиқилган газ	СУГ	сиқилган газ	СУГ	сиқилган газ	
1	А,Б,Г тоифасидаги ишлаб чиқариш бинолари ва хоналар; Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар, ГОСТ 19433 бўйича 2-4,8 синф ва 9.1 кенжа синфига мансуб хавфли юкларни ташиш учун белгиланган транспорт воситаларини сақлаш майдонлари.	40	30	40	30	40	30	40
2	В ва Д тоифасига мансуб ишлаб чиқариш бинолари, В ва Д тоифасидаги хоналар, ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар**							

	С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II ва С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси III бўлган бинолар	25	10	25	15	25	15	25
	С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси III бўлган ва С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси IV бўлган бинолар	30	15	30	20	30	20	30
	оловга бардошлилик даражаси IV, V бўлган бинолар ва ёнгин хавфи мавжуд технологик қурилмалар**	35	20	35	25	35	25	35
3	Маъмурий ва маиший бинолар	35	20	35	25	35	25	35
4	Транспорт воситаларини сақлаш учун очиқ майдон ва бостирмалар	20	10	20	15	20	15	20
5	Корхона автомобиль йўллари қатнов қисмининг четигача	15	10	20	15	15	10	20
6	ГОСТ 19433 бўйича 1, 5-7 синф ва 9.2 кенжа синфларига мансуб хавфли юкларни ташиш учун белгиланган транспорт воситаларини сақлаш майдони	100						

*Ичида ёнувчи газ; енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учқун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилғи сифатида ёқиладиган ёки утилизация қилинадиган ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} дан ортиқ бўлса.

**Ичида асосан совуқ ҳолдаги ёнмайдиган мода ва/ёки материаллар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар.

Изоҳ: СУГ буғларини чиқариб юбориш қувуридан корхона бино ва иншоотларигача бўлган минимал масофа мазкур меъёр талабларига мувофиқ ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

2.2.7. Ёқилғи ва/ёки унинг буғлари ишлатиладиган жиҳозлар яқинига 5 метрдан кам ва 25 метрдан узоқ бўлмаган масофага кўчма ёнгин ўчириш техникасининг ўрнатилиши имкониятини таъминлайдиган йўллар назарда тутилиши керак.

3. БИНО ВА ИНШООТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

3.1. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

3.1.1. АЁҚСда хизматчи-ходимлар учун қуйидаги хизмат ва маиший бино (хона)лари жойлашиши мумкин:

операторлар, маъмурият, қозонхона, овқат қабул қилиш, қўриқлаш хизмати, нефт маҳсулотлари намуналарини сақлаш хоналари, ҳамда санузеллар, махсус кийим, асбоблар, эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва жиҳозлар учун омборлар.

Кўрсатилганлардан ташқари кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС (бир деворли резервуарли АГҚСдан ташқари) ҳамда суюқ мотор ёқилғиси сақланиши учун белгиланган резервуарлари ер остида жойлашган АЁҚСлар ҳудудида йўловчи, ҳайдовчи ва уларнинг транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш биноси (хонаси) жойлаштиришга рухсат этилади. Йўловчи ва ҳайдовчиларга сервис хизмати кўрсатиш 15 тагача одам сиғадиган кафелар, савдо залининг умумий майдони 20 м²дан ортиқ бўлмаган эҳтиёж моллари магазини ва санузеллар, транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш учун техник хизмат кўрсатиш ва автомобилларни ювиш постлари назарда тутилиши мумкин.

Ер ости резервуарларига тўлиқ ёки қисман ер устида жойлашган усти камида 0,2 метр (суюқ мотор ёқилғили резервуар ва қувурлар учун) ёки камида 0,5 метр (сиқилган табиий газ ёки суюлтирилган углеводородли газ ва уларнинг буғи бўлган сиғим, резервуар ва қувурлар учун) тупроқ қатлами билан беркитилган ёки ёнғинда худди шундай иссиқлик изоляциясини таъминлайдиган бошқа ёнмайдиган материаллар билан ҳимояланган резервуарларни тенглаштириш мумкин. Бунда шу қатлам (тупроқ қатламининг бузилишини, резервуар (қувур) ва ҳимояловчи қатлам орасида бўшлиқ ҳосил бўлишининг олдини олиш ва ҳ.к.) бутунлигини вақт оралигида ва резервуар (қувур)ларнинг ишлатилиши шароитларида сақланишини таъминлаш лозим.

3.1.2. АЁҚС ҳудудида А, Б (АЁҚС технологик тизимига кирувчи сиқилган табиий газлар ва суюлтирилган углеводород газларни оқишиш-узатиш учун белгиланган жиҳозлар жойлашган хоналардан ташқари) ва Г тоифасига мансуб хоналарнинг жойлашишига йўл қўйилмайди.

Транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш хоналарида ёнувчан газ, енгил алангаланувчи суюқлик ҳамда ёнувчи чанг ишлатиладиган технологик жараёнларни (мисол учун, бўёқлаш, пайвандлаш ишлари ва х.к.) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

3.1.3. АЁҚС ҳудудида жойлашган бино ва иншоотлар С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II ва III ёки С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси IV бўлса одатда бир қаватли бўлиши керак. Таркибида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар учун омбор хоналари бўлмаган оловга бардошлилиги I ёки II даражали, С0 синфига мансуб, майдони 150 м²гача бўлган икки қаватли биноларни лойиҳалаштиришга йўл қўйилади.

Ҳамма турдаги АЁҚСлар ҳудудида электр қозонли қозонхоналардан ташқари ҳамма турдаги ёқилғида ишлайдиган қозонхоналарни жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

АЁҚС учун электр қозонли қозонхона лойиҳалаштирилганда иссиқлик ташувчисининг ҳарорати 80°С дан ортиқ бўлмаган автоматлаштирилган сув иситиш қозонлари назарда тутилиши лозим.

Автоматлаштирилган сув иситиш электр қозонли қозонхоналарни АЁҚС ходимлари ёки транспорт воситаларини ювиш учун белгиланган, С0, С1 синфларига мансуб оловга бардошлилиги I ёки II даражали алоҳида турган биноларга тақаб

ёнма-ён қуришга йўл қўйилади. Автоматлаштирилган сув иситиш электр қозонларининг жиҳозлари ПУЭ талабларига жавоб бериши зарур.

3.1.4. АЁҚС худудида ер ости хоналари, ертўлалар ҳамда бўш ҳажми бўлган ер ости иншоот (тоннель, канал ва х.к.)ларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди. АЁҚС бинолари остидан ва эвакуация чиқиш йўллари томонидан қувурлар ўтказиш тақиқланади.

3.1.5. АЁҚС ходимлари учун белгиланган хоналар, операторлар хонасини, ҳайдовчи йўловчи ва уларнинг транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш биноларида жойлаштиришга рухсат этилади. Бунда кўрсатилган хоналар асосий бинонинг оловга бардошлилик даражасига мувофиқ бўлган конструкциялардан бажарилган бўлиб, ҳайдовчи йўловчи ва уларнинг транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш хоналаридан ёнғинга қарши 1-турдаги тўсиқ ва 3-турдаги ораёпмалар билан ажратилиши керак.

Агар ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш хоналарида технологик тизим электр агрегатларини электр таъминлаш кабеллари махсус электр шчитлари хонасида жойлаштирилган шароитларида, технологик тизим ишини бошқариш ва оператор томонидан АЁҚС электр таъминотини кучсиз токли бошқариш тизими ёрдамида токсизлантирилиш ҳамда АЁҚС технологик операциялари устидан кўз билан назорат қилиш имкониятини таъминлаш учун оператор жойини назарда тутишга йўл қўйилади.

3.1.6. Якка бинода бирлаштириш мумкин эмас:

транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш хоналари (суюқ мотор ёқилғисида ишлайдиган автомобилларни ювиш механизациялаштирилган хоналардан ташқари) билан ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш хоналарини;

таркибида енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар бўлган молларни сотиш кўзда тутилган магазинларни ва жамоат овқатланиш хоналарини.

3.1.7. Транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш биноларида учтадан ортиқ бўлмаган техник хизмат кўрсатиш постлари жойлаштириш мумкин. Турли хил вазифа бажариш учун белгиланган хоналарни ёнмайдиган материаллардан бажарилган тўсиқлар билан ажратиш, транспорт воситаларини қўйиш учун белгиланган хоналарни эса (механизациялаштирилган ювиш хоналаридан ташқари) ёнғинга қарши 1-турдаги тўсиқ билан ажратиш лозим.

Аҳоли яшаш пунктларида жойлаштириш учун белгиланган АЁҚСларни лойиҳлаштиришда фақат енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш постлари бўлган хоналарни назарда тутиш мумкин.

3.1.8. АЁҚС биноларида олов билан боғлиқ ва пайвандлаш ишларини бажариш учун белгиланган хоналарни жойлаштириш тақиқланади.

3.1.9. В тоифасидаги (солиштира ёнғин юкмаси 181 МДж/м^2 ва ундан ортиқ бўлган) хоналар ҳамда енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликларни сақлаш учун белгиланган магазин омбор хоналарини бинонинг дераза туйнуклари бўлган ташқи девори яқинида жойлаштириш лозим.

Мойлар (ишлатилганлари ҳам) умумий сиғими 1 м^3 дан ортиқ бўлмаган сиғимларда, ё ер остида жойлашган, ё бошқа хоналардан 1-турдаги тўсиқ билан ажратилган ва бинодан ташқарига мустақил чиқиш йўли бўлган махсус хоналарда сақланиши зарур.

Агар мойларни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган жиҳозлар ва уларнинг жойлашиши суюқ мотор ёқилғиси АЁҚСси технологик тизимларига қўйилган мазкур меъёр талабларига жавоб берган ҳолларда, кўрсатилган сиғимларнинг умумий сиғимини кўпайтириш ва мустақил мой қуйиш оролчаларидан транспорт воситаларига мой қуйиш мумкин.

3.1.10. Агар АЁҚС биноларидан чиқиш АЦ майдони, ёқилғи тарқатиш колонкаси ва ёқилғи сақлаш резервуарларидан 15 метрдан кам масофада жойлашган бўлса, у ҳолда бинодан кўрсатилган иншоот ва қурилмалардан 15 метрдан ортиқ бўлган масофада жойлашган ёки улардан қарама қарши томонга чиқадиган қўшимча эвакуацион йўлини назарда тутиш лозим.

3.1.11. Бостирмалар ёнмайдиган материаллардан бажарилиши керак. Баландлиги 4 метрдан ортиқ бўлган бостирмаларнинг томёпмаларида қийин ёнувчи материаллар ишлатилиши мумкин (юк автомобилларига ёқилғи қуйиш жойлари устида жойлашган бостирма ёки унинг қисмларидан ташқари).

АЦ майдони ва суюқ мотор ёқилғиси ҳамда СУГ сақлаш учун белгиланган резервуарлар устида бостирма жойлаштиришга (уларни бостирма остида жойлаштиришга) рухсат берилмайди.

3.1.12. Технологик тизимлар шундай бажарилган бўлиши ва/ёки жойлаштирилиши керакки, уларга АЁҚС лойиҳида аниқланган (белгиланган) мумкин бўлган кучланишлар (сейсмик, транспорт воситаларининг ҳаракати ва тўхташида, ернинг силкинишида ва х.к.) таъсирида уларнинг бутунлиги ва иш қобилияти таъминланадиган (сақланадиган) бўлсин.

3.1.13. Блокли ва контейнерли АЁҚСларда ёқилғи сақлаш блокли ва контейнерлари, анъанавий ва модулли АЁҚСлардаги ёқилғи тарқатиш колонкалари ҳамда АГТКС ва АГҚСлардаги ёқилғи тарқатиш колонкалари транспорт воситалари томонидан шикастланишидан ҳимояланган бўлиши керак. Йирик (катта габаритли) техникага (юк автомобиллари, автобуслар, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги техникаси ва х.к.) ёқиғи қуйиш учун белгиланган АЁҚСларда ҳимоя мосламаларини блок ва контейнерларга маҳкамлаш тақиқланади.

3.1.14. Ўтиш йўллари, ёқилғи оролчалари ва АЦ учун белгиланган майдонлар қопламаси нефт маҳсулотлари таъсирига чидамли бўлиши керак.

3.1.15. Мухандислик иншоотлари қудуқларининг ер усти қисмининг баландлиги 0,05 метрдан паст бўлмаслиги керак. Қудуқ конструкцияси унга ер ости сувлари тушишининг олдини оладиган бўлиши лозим.

3.1.16. Суюқ ёқилғили АЦ учун белгиланган майдон қуйидагилар билан жиҳозланиши керак:

баландлиги 150 мм бўлган ўралган девор (борт) билан;

АЦ ларнинг хавфсиз чиқиб тушиши учун майдон чети қия йўлак (пандус) лар билан;

оқизиш-қўйиш операциялари даврида АЦни ерга улаш мосламаси билан;

авариявий резервуар (бир деворли резервуарларни ишлатиш мумкин) ва АЦнинг оқизиш патрубкисада зичсизлик ҳосил бўлганида ёқилғининг АЁҚСнинг бошқа ҳудудларига ёйилиб кетмаслигини таъминлайдиган майдондан оқизиб олиш қувурлари билан.

Бунда авариявий резервуар ёнмайдиган, ёқилғини ерга сингиб ўтишига йўл бермайдиган материалдан бажарилган бўлиши зарур. Бу резервуарнинг сиғими АЁҚСда ишлатиладиган автоцистерналар сиғимининг 10%дан кам бўлмаслиги керак. Оқизиб олиш қувурининг учи резервуар тубидан 0,1 метрдан ортиқ бўлмаган масофада бўлиши лозим. Авариявий сиғим АЁҚС ишга туширилишидан олдин сатҳи 0,3 метрдан кам бўлмаслигини таъминлайдиган миқдордаги сув билан тўлдирилиши керак. Авариявий резервуар мазкур меъёردа ёқилғи сақлаш резервуарларидаги деаэрация қувурларига қўйилган талабларга жавоб берадиган деаэрация қувури билан, ёпиқ усулда бўшатиш ва сув сатҳини ўлчаш патрубккалари билан жиҳозланиши керак. Кўрсатилган патрубккалар зич ёпиладиган тикин (қопқоқ) лар билан таъминланган бўлиши лозим.

Авариявий резервуар ва оқизиш қувурининг жойланиш чуқурлиги йилнинг совуқ даврларда улардаги сувнинг музлаб қолмаслигини таъминлаши зарур.

Оқизиш қузури ва ёғингарчилик тарновлари беркитиш арматуралари (тиқин, сурма қопқоқ ва х.к.) билан жиҳозланиши лозим.

3.1.17. Ёқилғи сақлаш контейнерлари фундаменти резервуарлар остида ёқилғи тўпланишининг олдини олиши керак. Фундаментнинг баландлиги у билан туташган майдонга нисбатан 0,2 метрдан кам бўлмаслиги лозим, унинг режавий ўлчамлари ёқилғи сақлаш контейнери ўлчамларидан ҳамма томонига 0,5 метрдан ортиқ бўлиши, фундаментнинг тепа қисми эса резервуардан четга қараб 2° дан кам бўлмаган қияликка эга бўлиши керак.

3.1.18. Ёқилғи сақлаш контейнерлари ва унинг технологик бўлмаларини тўсиш учун ўраш конструкциялари ишлатилган ҳолларда, улар шамол ўтадиган, майдони бўйича тешиклари бир текисда жойлашган ёнмайдиган тўсиқ кўринишида бўлиши керак. Тўсиқ тешиклари майдонининг тўлиқ майдонига бўлган инисбати 50%дан кам бўлмаслиги лозим.

4.3.12-пункт талаблари бажарилганда тўсиқ тешиклари майдонининг тўлиқ майдонига бўлган инисбати 50%дан кам бўлган ўраш конструкцияларини ишлатиш мумкин.

3.1.19. АЁҚСларини нефт маҳсулотлари билан ифлосланган атмосфера ёғингарчиликлари сувларини тозалаш иншоотлари билан жиҳозлаганда, бу иншоотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

жиҳозлари бўш ҳажмига ёқилғи буғлари кириши мумкин бўлган тозалаш иншоотлари ер остида жойлаштирилиши;

тўплагич-сиғимларини (агар бўлса) номинал сатҳигача тулганида АЁҚС операторига сигнал берилишини таъминлайдиган сатҳ датчиклари билан жиҳозлаш;

тўплагич-сиғимларни нефт маҳсулотларидан бўшатиш жиҳозлари, шу операцияни ёпиқ усулда амалга оширилишини таъминлаши лозим;

сиғимларни деаэрация қилиш тизмалари мазкур меъёрда ёқилғи сақлаш резервуарларидаги деаэрация тизмаларига қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак;

суюқлик қувурларини гидравлик қулфлар билан жиҳозлаш зарур;

нефт маҳсулотлари билан ифлосланган атмосфера ёғингарчиликлари сувлари тарновларида ўрнатиладиган қумтуткич люклари қопқоқлари қумтуткичнинг шамоллатилишини таъминлайдиган панжара кўринишида бажарилган бўлиши керак.

3.1.20. Нефт ва нефт маҳсулотларининг буғланишидан бўладиган сарфларни камайтириш учун, ер усти резервуарларининг ташқи юзасини нур қайтарувчи оч рангли бўёқ ва эмаллар билан бўёқлаш зарур.

3.1.21. РД 34.21.122-87 талабларига мувофиқ АЁҚСларини II-тоифадан паст бўлмаган яшиндан ҳимоялаш қурилмалари билан жиҳозлаш лозим.

3.1.22. АЁҚСларининг ерга улаш тизими ПУЭ ва Кимё, нефткимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ишлаб чиқаришида статик электр тоқларидан ҳимоялаш Қоидалари талабларига жавоб бериши керак.

Ерга улаш тизимини монтаж қилишни АЁҚС технологик тизимларини ишга тушириш-созлаш синовларини бошланишигача ўтказиш лозим.

3.1.23. АЁҚСда ҳаводан электр ўтказиш тизмаларини назарда тутиш тақиқланади.

3.1.24. АЁҚС телефон ёки радиоалоқа ҳамда баланд овозли алоқа тизими билан жиҳозланган бўлиши шарт.

3.2. КЎП ЁҚИЛГИЛИ АЁҚС, АГТКС ВА АГҚС БИНО ВА ИНШООТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

3.2.1. Сиқилган ва суёлтирилган газда ишлайдиган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш хоналари битта ёки бир нечта алоҳида турган биноларда бўлиши назарда тутилиши лозим. Бу биноларда бензин ва дизель ёқилғисидан ишлайдиган автомобилларни ювиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш хоналарини жойлаштириш мумкин. Бунда автомобилларни ювиш хонаси умумий бўлиши мумкин, сиқилган ва суёлтирилган газда ишлайдиган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш хонаси эса битта автомобил ўрнатиш учун лойиҳалаштирилиши ва бошқа хоналардан 1-турдаги ёнғинга қарши тўсиқлар билан ажратилиши керак. Ёнувчи материаллар қўлланиладиган бўёқлаш ва пайвандлаш ишларининг бажарилишини назарда тутиш тақиқланади.

3.2.2. «А» тоифасидаги хоналари енгил ташланувчи конструкцияларининг очилиши бино, иншоот ва технологик жиҳозларнинг шикастланишига олиб келмаслиги керак.

3.2.3. СУГ буғларини чиқариб юбориш қувури АЁҚСга тегишли бўлмаган объектлар жойлашган ҳудуд ҳамда АЁҚС бино, иншоотларининг технологик жиҳозлари ва транспорт воситалари ҳайдовчи ва йўловчилари туриш жойларида портлаш хавфи мавжуд аралашма ҳосил бўлишининг олдини олувчи баландлик, диаметр, конструкция ва ўрнатилган жойига эга бўлиши керак. Бунда СУГ буғларини авария ҳолатида чиқариб юбориш учун ПУ ва БЭФ-84да аниқ белгиланган (регламентда белгиланган) қурилмаларни ишлатишга рухсат этилади.

Сиқилган табиий газни чиқариб юбориш қувурлари газни юқорига чиқариб юбориш учун вертикал ҳолда жойлаштирилиши керак. Сиқилган табиий газни чиқариб юбориш қувурларининг энг баланд нуқтаси белгиланган қувурдан 5 метр радиус оралиғида жойлашган бино ва иншоотлар баландлигидан камида 1 метр ортиқ бўлиши керак. Бунда чиқариб юбориш қувурининг баландлиги режалаштириш (планлаштириш) майдони сатҳидан камида 3 метр бўлиши лозим.

Шамоллатиш газлари ҳамда табиий ёки СУГ буғларини (ёнғин хавфи туғилган ёки ёнғин содир бўлган ҳолларда) технологик тизим жиҳозлари (резервуарлардан ташқари) ва транспорт воситаларининг газ-баллон ускуналарида атмосферага чиқариб юбориш зарур бўлгани ҳолларда, кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ёки АГҚСларнинг технологик тизими конструкциялари уни фақат чиқариб юбориш қувурлари орқали амалга оширилиши эҳтимолини назарда тутиши керак.

3.2.4. Сиқилган табиий газли жиҳозлар устида шамоллатилмайдиган ҳажми (чўнтак, қўлтиқ ва х.к.) мавжуд бўлган, шу жумладан автомобилларга бензин, дизел ёқилғиси ёки СУГ қуйишдан ташқари сиқилган табиий газ билан ҳам тўлдириш ишлари амалга ошириладиган ёқилғи қуйиш оролчаларини ўз ичига олган умумий бостирмаларни ўрнатиш тақиқланади.

3.2.5. Битта СУГ қуйиш оролчасида бир вақтнинг ўзида битта автомобилга ёқилғи қуйиш кўзда тутилади.

СУГ қуйиш оролчалари ҳамда улар ва бошқа турдаги ёқилғи қуйиш оролчалари орасида баландлиги 2 метрдан кам бўлмаган ёнмайдиган материалдан (мисол учун металл, бетон, ғишт) ясалган ҳимоя экранлари ўрнатиш лозим. Ҳимоя экранининг кенглиги ёқилғи қуйиладиган транспорт воситаси узунлигининг ҳар икки томонидан камида 0,5 метрга ортиқ бўлиши керак.

СУГ, бензин ва дизель ёқилғиси қуйиш оролчаларининг тузилиши авария ҳолатида тўкилган ёқилғининг бир оролчадан бошқа оролчага оқиб ўтишига йўл қўймайдиган бўлиши лозим.

3.2.6. СУГ автоцистернаси учун майдон шундай жиҳозланиши керакки, бунда суяқ фазадаги СУГ тўкилганида унинг чегарасидан чиқиб кетмаслиги ва тўкилган

СУГ юзасидан содир бўлаётган буғланиш ҳисобига АЁҚС ҳудудидан ташқарида ёнувчан аралашма ҳосил бўлмайдиган бўлиши керак. СУГ автоцистернаси учун майдоннинг кўрсатилганидак жиҳозланишини қуйидагича амалга ошириш мумкин:

номинал тўлдирилиш сатҳидан пастда жойлашган АЦ арматурасининг авария ҳолатида зичсизланишида СУГнинг майдон чегарасидан ташқарига ёйилиб кетишининг олдини олиш учун атрофини 150 мм дан кам бўлмаган тўсиқ девор билан ўраш;

майдон юзасини (тўсиқ девор билан бирга) СУГ ва унинг бғлари сингиб кетишининг олдини олувчи қаттиқ ёнмайдиган материаллардан бажариш;

майдоннинг ҳар қандай нуқтасида буғ-ҳаво фаъзосининг (горизонтал бўйлаб тўсиқ девор сатҳида) 2 м/с дан кам бўлмаган тезлигини ва буғ-ҳаво фаъзосини чиқариб юбориш қувури орқали чиқариб юборилишини таъминловчи СУГ буғларини сўриш ташқи тизими билан жиҳозлаш керак. Кўрсатилган чиқариб юбориш қувурини АЁҚС технологик тизимининг СУГ буғларини чиқариб юбориш қувури билан бирлаштириш технологик жиҳозлардан ва АЦ учун белгиланган майдондан СУГ буғларини ёнғиндан хавфсиз авария ҳолатида бир вқтнинг ўзида чиқариб юбориш мумкинлиги билан белгиланади. Тизимнинг қабул қилиш мосламалари тўсиқ деворнинг юқориси четида жойлашган бўлиб, улар тизимнинг ишлаш параметрларини бузилишига олиб келувчи бегона жисм (предмет)ларнинг келиб тушишидан ҳимояланган бўлиши керак. Тизим ускуна-жиҳозлари портлашдан хавфсиз ва учқундан хавфсиз қилиб бажарилган бўлиши зарур. Тизимнинг ишга туширилиши ва тўхтатилиши автоматик тарзда бошқарилиши қандай таъминланган бўлса, қўлда ҳам шундай АЦ учун белгиланган майдондан ва масофадан, яъни, АЁҚС операторлари хонасидан бошқарилиши таъминланган бўлиши керак. Бунда СУГ буғларини сўриш тизимини автоматик ишга тушириш портлашгача бўлган концентрация датчикларидан, тўхтатиш эса ёнғин хабарловчиларидан амалга оширилиши лозим.

3.2.7. Кўп ёқилғили АЁҚСларни лойиҳалаштиришда қуйидагиларни:

суюқ мотор ёқилғиси учун белгиланган автоцистерна ва СУГ автоцистернаси учун умумий майдонини;

АЁҚСда бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ автоцистернанинг бўлишини;

АЁҚС ишини тўхтатмасдан резервуарларни суюқ мотор ёқилғиси ва СУГ билан тўлдирилишини кўзда тутиш мумкин эмас.

3.2.8. «Хавфли юқларни автомобиль транспорти билан ташиш Қоидалари» талабларига жавоб бермайдиган СУГ автоцистернасини, ҳамда СУГ автоцистернасини прицеп-цистерна билан бирга ишлатиш тақиқланади. Бунда газнинг оқизиш-қуйиш коммуникацияларидан авариявий сарфланишида, коммуникацияларнинг авариявий зичсизланишида СУГни автоцистернадан чиқишининг «... Қоидалари»да аниқ белгиланган (регламент қилинган) автоматик олдини олиш қурилмалари, шу қурилмаларнинг ишламай қолишига олиб келувчи механик шикастланиш ва аланга таъсиридан ҳимоя қилиш қисмида ДОПОГ талабларига жавоб бериши керак.

3.2.9. Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКСларда сиқилган табиий газ сиғимлари ва идишлари остига ёнмайдиган материаллардан чуқурлар ўрнаштириш мумкин. Бунда бу иншоотлар деворларини гидроизоляция қилиш лозим. Гидроизоляция учун ёнувчи материаллар ишлатилганида, белгиланган гидроизоляция ўраб турган тупроқ томондан бажарилиши керак.

3.2.10. Тозалаш иншоотлари қурилмалари, қабулқилиш тарновлари ва улаш қувурлари билан бирга, улар орқали СУГ ёки унинг буғларини ҳар бир ёқилғи қуйиш оролчаси ва АЦ майдони чегарасидан ташқарига тарқалишига йўл қўймаслиги зарур.

4. АЁҚСнинг ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИ

4.1. СУЮҚ МОТОР ЁҚИЛҒИЛИ АЁҚС ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИГА БЎЛГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР.

4.1.1. АЁҚСда транспорт воситаси ёқилғи баки номинал чегарасигача тўлдирилганида ёқилғи берилишини автоматик равишда блокировка қиладиган ёқилғи қуйиш колонкалари ишлатилиши керак.

ёқилғи қуйиш колонкаларини, улар шикастланганида ёқилғи ташқарига чиқишининг олдини олиш мосламалари билан жиҳозлаш тавсия этилади.

4.1.2. Ёқилғи ва унинг буғлари учун белгиланган резервуар ва қувурлар технологик тизимларга бўлган ТЭХ талабларига риоя қилинганда 10 йилдан кам бўлмаган давр давомида ўз зичлигини (герметиклигини) сақлаши керак.

4.1.3. Ёқилғи сақлаш резервуарлари уларнинг зичлигини назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланиши зарур.

кўрсатилган тизимларнинг намуналари тавсия этилган 4-иловада келтирилган.

4.1.4. Ёқилғи сақлаш учун белгиланган бир деворли ер ости резервуарлари (авария резервуарларидан ташқари) ишлатилиш шароитлари ва даври давомида нефт маҳсулотлари ва атроф муҳит таъсирига чидамли ҳамда қобик ва резервуар деворлари орасида ҳосил бўлган ички ҳажмдан оқиб чиққан ёқилғини тупроққа сингишига йўл қўймайдиган қобик ичида жойлаштирилиши керак. Кўрсатилган деворлар орасидаги бўшлиқ ўзига ёқилғи сингдирадиган, ёнмайдиган материал билан тўлдирилиши (зичланган ҳолда) лозим.

4.1.5. Ёқилғи сақлаш учун икки деворли резервуарлар қўлланилганида унинг деворлараро бўшлиғида ёқилғи буғларининг ҳаво билан портловчан аралашмаси ҳосил бўлишининг (ички деворда зичсизлик ҳосил бўлиши натижасида) олдини олишга қаратилган конструктив тадбирларни назарда тутиш зарур. Деворлар аро бўшлиқ ёнувчи суюқлик билан тўлдирилганида унинг чақнаш ҳарорати 100⁰С дан кам бўлиши мумкин эмас.

Икки деворли резервуарни деворлараро бўшлиғини умумлаштирилган ёки узлуксиз назорат қилувчи, АЁҚС ходимларига зичсизлик ҳақида ҳабар (сигнал) беришни ва автоматик равишда резервуар тўлдирилишини тўхтаишни таъминловчи тизим билан жиҳозлаш керак. Анъанавий АЁҚСлардаги икки деворли резервуарлар учун улар зичлиги (герметиклиги)ни даврий назорат қилишни назарда тутиш мумкин.

4.1.6. Кўп камерали резервуарларнинг ҳар бир камераси учун мазкур меъёрда бир камерали резервуарлар учун белгиланган талаблар бажарилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида турли камераларда бензин ва дизель ёқилғисини фақат бензин ва дизель ёқилғиси сақланадиган камералари иккита девор билан ажратилган, деворлари орасидаги бўшлиқнинг зичлиги устидан назорат таъминланган резервуарларда сақлаш мумкин.

4.1.7. Ёқилғи сақлаш резервуарларига қувурлар фақат улардаги ёқилғини номинал тўлдирилиш сатҳи юқорисидан киритилиши мумкин. Белгиланган сатҳдан пастроқда люклар, штуцерлар, патрубклар ва бошқаларни ўрнатиш тақиқланади.

4.1.8. Резервуарнинг деаэрация тизмалари қувурлари йилнинг ҳар қандай пайтида ҳам ўз иш қобилиятини йўқотмайдиган алангатўсқич ёки нафас олиш клапанларига ўрнатилган алангатўсқич билан жиҳозланиши керак.

Деаэрация тизмалари қувурлари ўтиш йўлларида 5 метрдан кам бўлмаган масофада ўрнатилганида унинг энг юқори нуқтасининг жойлашиш баландлиги туташган майдондан камида 2,5 метр бўлиши зарур. Агар бу масофа 5 метрдан кам бўлса баландлиги қуйидагича аниқланади:

$$H_{TP} = H_M + 50 D,$$

қаерда, H_{TP} - транспорт воситаларининг туташган ўтиш йўллари сатҳидан аниқланадиган деаэрация тизмаси қувурининг юқори нуқтаси баландлиги, м; H_M - АЁҚС га ёқилғи қуйиш учун киритиладиган транспорт воситаларининг максимал баландлиги, лекин 2 метрдан кам эмас, м; D - деаэрация тизмаси қувурининг ички диаметри, м.

Резервуар деаэрация тизмаси қувурларида нафас олиш клапани ёки алангатўсқичларидан олдин бекитиш арматурасини ўрнатиш тавсия этилади.

4.1.9. Деаэрация тизмасининг жиҳозланиши унинг ишлатилиши даврида ўтказувчанлик қобилиятини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак.

4.1.10. Резервуарларни (камераларни) алоҳида деаэрация тизими билан жиҳозлаш зарур. Бир турдаги ёқилғи сақланадиган резервуар (камера)лар учун, тизим қувурларини резервуар (камера)ларга улаш жойларида алангатўсқич ўрнатилиши шарти билан умумий газтенглаштирувчи (газтақсимловчи) тизимдан фойдаланишга рухсат этилади.

Бензин ва дизель ёқилғиси сақланадиган резервуарлар орасида умумий газтенглаштирувчи (газтақсимловчи) тизим ўрнатишга рухсат берилмайди.

4.1.11. Ёқилғи сақлаш резервуарлари тўлиб-тошиб кетишининг олдини оладиган, 90%гача тўлдирилганида АЁҚС ишчи-ходимларига сигнал (овоз ва ёруғлик сигнали) берадиган, 95%га тўлганида эса 5 сониядан ортиқ бўлмаган вақт оралигида автоматик равишда тўлдирилишининг тўхтатилишини таъминлайдиган тизимлар билан жиҳозланиши керак. Агар технологик тизим томонидан резервуарни ёқилғи билан тўлдиришни фақат автоматик тартибда тўхтатиш назарда тутилган бўлса, унда кўрсатиб ўтилган сигнализация ўрнига резервуар 95%га тўлганида автоматик равишда тўлдирилишининг тўхтатилиши ҳақида хабар берадиган сигнализация билан жиҳозланиши лозим.

4.1.12. Агар автоматик равишда тўлдирилиши тўхтатилишини таъминлайдиган, деворлараро бўшлиқни ва қувурлар зичлигини (герметиклигини) узлуксиз назорат қилиш, сирқиб чиқишини аниқлайдиган ва ёқилғи ёки унинг буғлари келишини тўхтатадиган, ҳамда аэрация ёки рециркуляция тизмаларининг ўтказувчанлик қобилиятини назорат қиладиган тизимларнинг ишдан чиқиш эҳтимоли бир йилда 10^{-3} дан ортиқ бўлса, унда, ё функционал вазифасини бажарилишини таъминловчи тизим элементларини такроран ишга туширадиган, ё белгиланган тизимларнинг ишдан чиққанида ёқилғи қуйиш колонкасини автоматик равишда ўчирилишини таъминлайдиган ва резервуарнинг тўлиб кетишига йўл қўймайдиган, ишга яроқлилигини ўзи назорат қиладиган тизим назарда тутилиши керак.

4.1.13. Технологик тизимнинг конструкцияси ёқилғи ускуна-жиҳозларининг зичлигини текшириш бўйича ёнғин хавфи мавжуд даврий синовларни бевосита АЁҚС да утказиш имкониятини кўзда тутиши лозим. Белгиланган синовларни ўтказилиш даврига бўлган талаблар ТЭХда назарда тутилган бўлиши керак.

4.1.14. Технологик тизимларни, ёқилғи буғи ва ҳаво аралашмасининг технологик жиҳозлар ичида алангаланиши ва/ёки ёнишининг олдини оладиган, бўшлиғини инерт гази билан флегматизация қиладиган ёки бошқа тизимлар билан таъминлаш зарур.

4.1.15. Ер устида ёки резервуар шахталари ва технологик қудуқлар бўшлиғида жойлашган ёқилғи ва унинг буғлари учун белгиланган ҳамма қувурлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

улар металлдан бажарилган бўлиши;

фланцли уланиш жойлари «шип-паз (ўйиқ)» принципида бажарилиши;

қувурларнинг уланиш жойлари уларнинг ишлатилиши даврида ва шароитларида ишончлилигини ТЭХ да аниқ белгиланганидак таъминлаши;

қувурларнинг уланиш жойлари ўз-ўзидан ажралиб кетишининг олдини оладиган ва пломба (тамға)лаш мосламаларига эга бўлиши керак.

4.1.16. Ёқилғи ва унинг буғлари учун белгиланган бир деворли қувурлар ёқилғи суюқ фазасининг (оқиб чиқиши эҳтимолида)ташқарига чиқишига йўл қўймайдиган ер остида тарновларда ёки чуқурлаштирилган ҳолда технологик шахталар (қудуқлар)да жойлаштирилиши лозим. Тарновларни ёнмайдиган материаллар билан тўлдириш (зичланган ҳолда) зарур.

ички ва ташқи қувурларнинг алоҳида зичлиги таъминланган, уланиш жойлари ажраладиган икки деворли қувурлар (қувур ичида қувур) ишлатилганида, улар учун тарнов ўрнатилмаса ҳам бўлади.

Бунда қувурлараро бўшлиқлардаги ҳавони ундаги кислород миқдори 10% қолгунча азот билан алмаштириш лозим.

4.1.17. Автоистернадан резервуарларни тўлдириш ер остидан ўтказилган ва тармоқ бўйича аланга тарқалишини бартараф этадиган қурилмаларини ишлатган ҳолда, қуйиш қувурлари орқали амалга оширилиши зарур.

4.1.18. Автоцистернага сўриш енгини улаш мосламаси ва қуйиш қузури орасида беркитиш арматураси ўрнатилиши керак. Уларнинг сўриш қувурларидан ажралиб кетиш ҳолларида ўзи бекиладиган қурилмалар ишлатилган ҳолларда бу арматурани ўрнатмаслик мумкин.

қуйиш қузурида ўрнатиладиган, АЦ майдони яқинида ёки майдоннинг ўзида жойлашган жиҳозлар (улаш мосламалари, бекитиш арматураси,алангатўсқичлар, фильтрлар,сарфўлчагичлар ва х.к.), шу жиҳозларни транспорт воситаси босиб кетиши натижасида шикастланишининг олди олишниши таъминланган чуқур ёки қудуқда жойлашиши керак.

Чуқур (қудуқ) деворлари ёнмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши ва ерда (ер устида) жойлашган АЁҚС технологик жиҳозларидан ҳамда ер ости резервуарларининг технологик шахталаридан 2 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашиши керак. Бўш ҳажми ёнмайдиган материаллар билан тўлдирилган шароитларда қудуқларни қийин ёнадиган материаллардан тайёрлашга йўл қўйилади.

4.1.19. Технологик тизим конструкциясида ёқилғи буғларини резервуардан автоцистернага рециркуляция тизмаси (тармоғи) мавжуд бўлса, у тизма қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

рециркуляция тизмасининг АЦ ва резервуарга уланиш мослама (узел)ларидан олдин алангатўсқичлар ўрнатилиши керак. Рециркуляция тизмасининг АЦга улаш мослама(узел) ларининг конструкцияси тизимлар ажралиб кетганида шу тизимларни автоматик равишда ёпилишини таъминлаши керак.

рециркуляция тизмаси резервуардаги босим, ё АЦдаги суюқлик устун босимига (ўзи оқиб тушишида), ё ёқилғини АЦдан резервуарга узатиб бериш насосининг босимига етганида очиладиган тескари клапан билан жиҳозланиши керак. Қуйиш қузури ёпилганида ёки кўрсатилган насосга электр токининг келиши тўхтаганида тескари клапанлар зич ёпилиши керак;

агар ёқилғи буғларининг рециркуляцияси резервуар деаэрация тизими қузури ёпиқлигида амалга оширилса, технологик тизим унинг буғ фаъзоси босими устидан узлуксиз автоматик назорат олиб бориш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак. Резервуар деаэрация тизмаси қузурида рециркуляция тизмасидаги тескари клапан ишлаш босимидан ортиқ босимда (рециркуляция деаэрация қузури ёпмасдан амалга оширилади) ишлайдиган нафас олиш клапани ишлатилса, белгиланган назорат тизимини ўрнатмаслик ҳам мумкин;

рециркуляция тизмаси қузури резервуарга улаш мослама (узел)си ва шу қувур орасида бекитиш арматурасини ўрнатиш тавсия этилади, АЦга улаш

мосламаси (узели) ва шу қувур орасида эса беркитиш арматурасини мажбурий равишда ўрнатиш керак;

рециркуляция тизмаси қувурларининг бўшлиқда жойлашган қисмлари ажралмайдиган қилиб уланган бўлиши керак.

4.1.20. Технологик тизими конструкциясида транспорт воситасининг ёқилғи бакидан резервуарга ёқилғи буғларининг рециркуляция тизмаси мавжуд бўлса, бундай тизма қуйидаги талабларни қондириши керак:

рециркуляция тизмаси қувурини резервуарларга ва ёқилғи тарқатиш колонкаларига улаш жойларида алангатўсқич ва тескари клапан ўрнатилиши керак. Агар алангатўсқич ва тескари клапан ёқилғи тарқатиш колонкаси конструкцияси таркибига кирса, уларни ёқилғи тарқатиш колонкалари олдидан қушимча равишда ўрнатмаслик мумкин.

тескари клапанлар ёқилғи буғларини чиқариб ташлаш насослари рециркуляция тизмаси қувурларида ҳосил қиладиган босимдан очилиши лозим ва кўрсатилган насосга электр токининг келиши тўхтаганида зич ёпилиши керак;

рециркуляция қувурида резервуарда жойлашган алангатўсқичдан ҳамда ёқилғи тарқатиш колонкаларидан олдин бекитиш арматураси ўрнатилиши лозим. Агар кўрсатилган арматура ёқилғи тарқатиш колонкалари таркибига кирса, уни қушимча равишда ўрнатмаслик мумкин;

рециркуляция тизмаси қувурларининг бўшлиқда жойлашган қисмлари ажралмайдиган қилиб уланган бўлиши керак.

4.1.21. Ёқилғи узатиш тизмаларини, шу тизма насослари ҳосил қиладиган босим ёки вакуум таъсирида очиладиган ва кўрсатилган насосларга электр токининг келиши тўхтаганида зич ёпиладиган тескари клапанлар билан жиҳозлаш керак.

4.1.22. Технологик тизим жиҳозлари ёқилғини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш, бўшатиш ва шламсизлаштириш (маҳсулот ости сувларини чиқариб ташлаш), ҳамда фақат ёпиқ усулда (транспорт воситалари бакларининг тўлдирилиши бўндан мустасно) зичлигини (герметиклигини) текшириш бўйича синов ўтказиш операцияларини амалга оширилишини таъминлаши керак.

4.1.23. Резервуарлар конструкцияси ёқилғи қолдиқларидан ёнғин-портлаш хавфсизлигини таъминлаган ҳолда механизациялаштирилган тозалаш, газсизлантириш (дегазация) ва таъмирлаш даврида уларни босим остида шамоллатиш ишларининг бажарилишини назарда тутиши лозим.

4.1.24. Ёқилғи жиҳозларида ўрнатиладиган беркитиш жиҳозлари зичлиги (герметиклиги) ГОСТ 9544 бўйича В синфига тегишли қилиб бажарилган бўлиши керак.

4.1.25. АЁҚС ёқилғи жиҳозларида жойлашган патрубк, штуцер ва шу кабиларнинг қопқоқлари, тиқинлари ва фланцли уланиш жойлари учкун ҳосил қилмайдиган, ишлаш шароитларида нефт маҳсулотлари ва атроф муҳит таъсирига чидамли материаллардан бажарилган прокладка билан таъминланган ва зич қилиб уланган бўлиши керак.

АЁҚСни ишлатилиши даврида очиладиган қопқоқ ва тиқинлар учкун ҳосил қилмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши зарур.

4.1.26. Ичида ёқилғи ва унинг буғлари ҳамда бўшлиғи бўлган жиҳозлар жойлаштириладиган резервуар технологик шахталари ва қудуқларнинг деворлари ёнмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши керак. Қолган ҳолларда қийин ёнувчи материал ишлатилишига йўл қўйилади. Ичида белгиланган жиҳозлар жойлаштирилган технологик шахталар ва қудуқлар қопқоқларининг тузилиши, улар ичига атмосфера ёнгарчиликлари тушишига йўл қўймайдиган ва очиб ёпилганида учкун ҳосил қилмайдиган бўлиши керак. Қопқоқларнинг қотирилиши шахта ёки қудуқ ичида ёқилғи буғларининг алангаланиши натижасида ҳосил бўладиган ортиқча

босимнинг чиқариб юборилишини таъминлаши (қопқоқнинг узилиб кетмасдан ўзи очилиши) лозим. Шу шахта ва қудуқларнинг ер усти қисмининг баландлиги 0,2 метрдан кам бўлмаслиги керак.

4.1.27. Ёқилғи сақлаш учун белгиланган резервуарлар конструкцияси қурилиш майдонида монтаж қилишда уларда пайвандлаш ишларини олиб бориш заруриятига йўл қўймаслиги керак.

4.1.28. АЁҚС электрмосламалари ПУЭ ва истъёмолчилар электр мосламаларини ишлатиш (эксплуатация қилиш) Қоидалари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Технологик тизимлар жиҳозларни ПУЭ талабларига мувофиқ ва портлаш хавфи мавжуд ҳудудларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда АЁҚС нинг ерга ўтказиш контурига улаш мосламалари билан жиҳозланган бўлиши керак.

АЦнинг ерга уланганлигини назорат қилиш учун, АЦни ерга улаш тизими ишдан чиққанида автоматик равишда резервуар тўлдирилишини тўхтатадиган ёки сигнал берадиган ихтисослаштирилган автоматлаштирилган ерга улаш мосламаси ишлатилиши тавсия этилади.

Технологик тизимларни, статик электр токининг йўл қуйилган кўрсаткичлардан ортганида огоҳлантириш сигналининг берадиган ва автоматик равишда резервуарни АЦдан ёқилғи билан тўлдирилишини тўхтатадиган, статик электр зарядларини назорат қиладиган датчиклар билан жиҳозлаш тавсия этилади.

4.1.29. АЁҚСда электр таъминотини марказлаштирилган ҳолда ўчириш назарда тутилиши лозим.

Ўзининг насос жиҳозлари ёрдамида тўлдирилиши назарда тутилган резервуарларни тўлдириш технологик тизимлари, шу жиҳозлар электр таъминотини қўлда ўчирадиган, операторлар хонасида қандай жойлашган бўлса насослар яқинида ёки АЦ учун белгиланган майдонда ҳам шундай жойлаштирилган вилючателлар (ўчириш мосламалари) билан (насосларнинг автоматик равишда ўчирилишидан қатъий назар) жиҳозланиши керак.

4.2. АНЪАНАВИЙ ВА БЛОКЛИ АЁҚСлар ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИГА БЎЛГАН ЎЗИГА ХОС ТАЛАБЛАР

4.2.1. Анъанавий АЁҚСлардаги резервуарлар бир деворли ёки икки деворли қилиб бажарилиши мумкин. Режавий (планлаштирилган) сатҳидан резервуаргача бўлган масофа 0,2 метрдан кам бўлмаслиги керак.

4.2.2. Технологик шахталар ва улар деворидан қувурлар кириш қисмининг конструкциялари шахтадан уни ўраб турган тупроққа ёқилғининг чиқишига йўл қўймайдиган бўлиши зарур.

4.2.3. Технологик шахтадаги бекитиш арматурасини ишга тушириш узатмасининг штоки, ўлчаш патрубкисининг оғзи, датчикларни қотириш мосламаси шахта ташқарида уларнинг олдига бемалол борилишини таъминлайдиган баландликка чиқарилган бўлиши керак.

4.2.4. Бир нечта ёқилғи қуйиш колонкаларига битта ёки бир нечта резервуарлардан бензин ёки дизель ёқилғисини узатиб бериш учун, қувурларда ҳар бир ёқилғи қуйиш колонкаси ва ҳар бир резервуардан олдин бекитиш арматуралари мавжуд бўлган шароитларда умумий қувур ишлатилишига йўл қўйилади.

4.2.5. Блокли АЁҚСларда юқорида кўрсатилганлар билан бир қаторда қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

ёқилғи сақлаш учун белгиланган резервуарлар икки деворли бўлиши керак;

технологик шахта улаш мосламаси (узели)нинг икки деворли резервуарга қотирилиши завод шароитларида зич (герметик) уланишлар ёрдамида амалга оширилиши зарур.

технологик шахтанинг деворлари ва қопқоғи фақат ёнмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши керак.

ёқилғи қуйиш оролчалари чегарасидаги ёқилғи жиҳозлари бўлган технологик шахта ҳамда технологик қудуқлар ичида бўшлиқ бўлган ҳолларда, уларда ёқилғи буғларининг концентрациясини узлуксиз автоматик назорат қилиш тизимлари назарда тутилиши лозим. Кўрсатилган тизим шахта тубида ёқилғи буғларининг концентрацияси аланга тарқалишининг қуйи концентрация чегарасининг 20% га тенг кўрсаткичгача кўтарилганида овоз ва ёруғлик сигнали берилишини таъминлаши ҳамда узатиш тизмасидаги насосларга электр таъминотини ва автоматик равишда резервуарни тўлдириш операцияларини тўхтатиши керак.

4.3. МОДУЛЬЛИ ВА КОНТЕЙНЕРЛИ АЁҚСлар ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРИГА БЎЛГАН ЎЗИГА ХОС ТАЛАБЛАР

4.3.1. Ёқилғи сақлаш учун белгиланган резервуарлар икки деворли қилиб бажарилиши керак. Ички резервуар ва деворлараро бўшлиқни зичлайдиган (герметиклайдиган) бир деворли ораёпмага (томга, тепа деворга) эга бўлган резервуарларни ишлатиш мумкин.

4.3.2. Аҳолии яшаш пунктлари ва корхоналардан ташқарида жойлаштириладиган АЁҚСларда 3-иловада баён этилган талаблар бажарилганида бир деворли технологик тизимларни ишлатишга рухсат берилади.

4.3.3. Резервуарнинг деворлараро бўшлиғи ёқилғи билан тўлдирилганида резервуар тагида ёнмайдиган материаллардан бажарилган ва резервуар ташқи девори шикастланганида суюқликнинг таглик чегарасидан ташқарига тарқалишига йўл қўймайдиган таглик (поддон) ўрнатилиши керак.

4.3.4. Ички резервуарлар ишлаш босими 130 кПа дан ортиқ бўлмаган сақловчи мембраналар ёки клапанлар билан жиҳозланиши лозим. Сақлаш мембраналари ёки клапанларининг резервуарлар ҳажмига боғлиқ ҳолда талаб қилинган чиқариб юбориш юзасининг майдони 7-жадвалда келтирилган. Ҳажми 5 м³дан 40 м³гача бўлган резервуарларнинг босимни чиқриб юбориш юзасини аниқлашда чизиқли интерполяцияга йўл қўйилади. Талаб қилинган майдонни таъминлаш учун бир нечта сақлаш мембраналар ва клапанларни ишлатиш мумкин.

7-жадвал.

Резервуар ҳажми, м ³	5	8	10	13	15	20	30	40
Чиқариб юбориш юзасининг майдони, см ³	25	35	40	48	53	64	84	94

4.3.5. Ёқилғини сақлаш контейнерлари технологик бўлмаларини резервуарлардан 1-турдаги ёнғинга қарши тўсиқ билан ажратиш лозим. Технологик бўлмаларни автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлаш тавсия этилади.

4.3.6. Ёқилғи сақлаш резервуарларининг тўлдирилиши фақат АЁҚС технологик тизими узатиш насослари орқали амалга оширилиши керак. Белгиланган резервуарларни тўлдириш учун АЦ насосидан фойдаланиш тақиқланади.

4.3.7. Резервуарларни тўлдириш қувурлари технологик тизимга электр таъминоти тўхтатилганида, суюқликнинг орқага оқишига қаршилик кўрсатадиган тесқари клапанлар билан жиҳозланиши керак. Тесқари клапанлар тўлдириш тизмаси насосларининг босими таъсиридан очиладиган қилиб ростланган бўлиши лозим. Ёқилғи қувурлари қўшимча шу қувурларнинг энг баланд нуқтасига (резервуарлар устида) ўрнатилган, яқинига бемалол борилиши таъминланган бекитиш арматураси билан жиҳозланиши зарур.

4.3.8. Ёқилғи сақлаш контейнерлари технологик бўлмаларининг пастки қисмида таглик (поддон) ўрнатилиши керак. Бўлма технологик жиҳозларининг остида умумий таглик (поддон) ишлатилган ҳолларда, у бўлмаларга бўлиниши зарур. Бўлмалар тўсиқларининг баландлиги таглик (поддон) девори баландлигининг яримига тенг бўлиши лозим. Таглик (поддон)нинг ҳажми, зичсизлик ҳосил бўлган жойдан зичсизликни бартараф этиш учун кетадиган вақт оралиғида чиқадиған ёқилғининг, қувурларнинг бекитилган жойлари орасида жойлашган қисмида мавжуд бўлган ёқилғи миқдорини ҳисобга олганда, тўлиқ сиғишини таъминлайдиған бўлиши керак. Бунда таглик деворининг баландлиги 150 мм дан кам бўлмаслиги керак.

4.3.9. Модулли АЁҚС технологик тизимларида ёқилғи тарқатиш колонкасига ёқилғи келиш қувури билан ёқилғи сақлаш контейнеридан келадиған қувур уланган жойи технологик бўлма таглиги (поддон) устида жойлашиши керак. Ёқилғи тарқатиш колонкасига ёқилғи узатиш қувури ер остидан ўтказилиши лозим.

4.3.10. Ёқилғи узатиш қувурида ёқилғи сақлаш контейнерининг технологик бўлмасида, бемалол бориш мумкин бўлган жойларда бекитиш арматураси ўрнатилиши керак.

4.3.11. Бир нечта ёқилғи қуйиш колонкаларига ёқилғи сақлаш контейнерининг фақат битта резервуари (камераси)дан бензин ёки дизель ёқилғисини узатиб бериш учун қувурларда ҳар бир ёқилғи қуйиш колонкасидан олдан бекитиш арматуралари мавжуд бўлган шароитларда умумий қувур ишлатилишига йўл қўйилади.

4.3.12. Ёқилғи сақлаш контейнерлари учун вертикал ўраш конструкциялари сифатида тешиклари майдонининг тўлиқ майдонига бўлган инисбати 50%дан кам бўлган тўсиқлар ишлатилганида, ё метроштоклар учун патрубклар оғзини контейнерларни ўраш конструкцияларидан ташқарига чиқариш ва технологик тизимларни қувурлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги) узлуксиз автоматик назорат қилиниши таъминланган, ички қисмида жойлашган икки деворли қувурлар ёки контейнерларни ёқилғи сақлаш контейнерларини авариявий шамоллатиш тизими (вентиляцияси) билан жиҳозлаш лозим.

4.3.13. Ёқилғи сақлаш контейнерининг авариявий шамоллатиш тизими (вентиляцияси) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ёқилғи сақлаш контейнерларнинг вертикал ўраш конструкциялари томонидан ҳосил қилинган ички ҳажмида ёқилғи буғларининг концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 10%идан ошганида автоматик равишда ишга туширилиши лозим. Белгиланган ҳажмда портлашгача бўлган концентрация ҳақида сигнал берувчи датчикларнинг жойлаштирилиши, қувурлардан ва уларга ўрнатилган жиҳозлардан сирқиб чиқаётган ёқилғи ёки унинг буғларини аниқланишини таъминлаши керак.

ҳаво алмашинишининг карралиги, авария ҳолатида (ҳисоб вариантини танлаш ОНТП 24-86 талабларига мувофиқ амалга оширилади) бўш ҳажмдаги ёқилғи буғларининг ўртача концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 20%дан ошмаслигини таъминлаши керак;

ёқилғи сақлаш контейнерида ёнғин бўлганида шамоллатиш тизими (вентиляцияси)нинг автоматик равишда ўчирилиши таъминланган бўлиши керак;

шамоллатиш тизими (вентиляцияси) электр таъминотининг ишончилиги ПУЭ бўйича I-тоифали бўлиши зарур.

4.3.14. Қуёш нурларининг тўғридан-тўғри тушишидан ҳимояланмаган ёқилғи сақлаш контейнери жиҳозларининг сирти рефлекторли қопламалар билан ҳимояланган бўлиши керак.

Резервуар ёки ёқилғи сақлаш контейнерларини ўраб турувчи конструкцияларнинг ён сирти юзасида қизил нур қайтарувчи бўёқ билан бажарилган «ЁНҒИНДАН ХАВФЛИ» ёзуви бўлган кенглиги 40 сантиметрли сариқ рангли чизик

ҳамда сақланаётган ёқилғи тури (бензин ёки дизель ёқилғиси) кўрсатилган ёзувлари бўлиши керак.

5. КЎП ЁҚИЛҒИЛИ АЁҚС, АГТКС ВА АГҚСларнинг ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМЛАРИГА ТАЛАБЛАР

5.1. УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

5.1.1. Кўп ёқилғили АЁҚС ларда анъанавий АЁҚС технологик тизимларига қўйиладиган талабларига жавоб берувчи бензин ва дизель ёқилғисини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган технологик тизимларидан фойдаланиш мумкин.

5.1.2. Резервуар (идиш)ларни ўзларининг насос ёки компрессор ускуна-жиҳозлари ёрдамида тўлдирилиши назарда тутилган технологик тизимлар, шу ускуна-жиҳозлар электр таъминоти, операторлар хонасида ва насос (компрессор)лар олдида ўрнатилган қўлда ўчирадиган ўчириш мослама (виключател)лари билан жиҳозланган (автоматик ўчирилишидан қатъий назар) бўлишлари керак. Кўп ёқилғили АЁҚС лар технологик тизимларининг доимий ишлайдиган аварияга қарши ҳимоя тизимидан ташқари, мустақил майдон (участка)лари, шу қисмлар электр жиҳозларини ўчириш мослама (виключател)лари билан жиҳозланиши лозим.

5.1.3. Резервуарлардан бири ёқилғи билан тўлдирилаётганда бошқа резервуарларнинг (сиқилган табиий газ идишларидан ташқари) автоматик тартиб (режим)да тўлдирилиши эҳтимолининг олди олиниши, резервуар тўлдирилишида иштирок этмаётган компрессорлар ва АЁҚСнинг ҳамма ёқилғи тарқатиш колонкалари ўчирилиши керак.

5.1.4. Кўп ёқилғили АЁҚС ларнинг бирор-бир майдони (участкаси)да автоматик аварияга қарши ҳимоя тизими ишлаб кетганида, авариянинг ривожланишининг олди олинишини таъминловчи бошқа ҳамма технологик майдонлардаги автоматик аварияга қарши ҳимоя тизимларининг ишга туширилиши (қувурларнинг бекитилиши, оқизиш-қуйиш механизмларининг ўчирилиши, сиқилган газнинг чиқариб юборилиши, резервуарларнинг сув билан совутиш тизимини ишга туширилиши, жиҳозларнинг токсизлантирилиши ва ҳ.к.) назарда тутилиши керак.

5.1.5. Автоматик аварияга қарши ҳимоя тизимининг (авариявий шамоллатиш ва АЦ учун белгиланган майдондан СУГ буғларини сўриш тизими) электр таъминотининг ишончлилиги ПУЭ бўйича I-тоифага мувофиқ бўлиши лозим.

5.1.6. СУГ насос, СУГ ва сиқилган газ компрессор станциялари биниси авариявий шамоллатиш (вентиляция) тизимини автоматик равишда ишга тушириш, ёнувчи газ ёки буғларнинг концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 10%идан ортиқ бўлган кўрсаткичга етганида портлашгача бўлган концентрация сигнализаторларидан амалга оширилиши керак. Табиий газнинг портлашгача бўлган концентрация сигнализаторлари хона шифти остига, СУГ сигнализаторлари эса полдан ёки майдон юзасидан 50 дан 100 мм гача баландликда ўрнатилиши лозим.

Ёнғин содир бўлган ҳолларда умумалмашилиш, маҳаллий ва авариявий шамоллатиш (вентиляция) тизимларининг автоматик равишда ўчирилиши таъминланган бўлиши керак.

5.1.7. Кўп ёқилғили АЁҚСларни лойиҳалаштиришда ёқилғи бакларига таълуқли бўлмаган жиҳозлар ёрдамида, сиқилган ва суюлтирилган газ билан транспорт воситалари ёқилғи бакларининг тўлдирилишини амалга оширадиган тизимларни назарда тутиш тақиқланади.

5.1.8. Ерда (ер устида) жойлашган ёқилғи жиҳозлари ва АЦ майдонларидан 20 метр масофада жойлашган ёнмайдиган газ билан тўлдирилган, босим остидаги

идишлар В (солиштирма ёнғин юкмаси 181 МДж/м² ортиқ бўлмаган) ёки Д тоифасига кирувчи хоналарда ўрнатилиши зарур. Кўрсатилган идишларни ёнмайдиган материаллардан бажарилган шкафларда, айтиб ўтилган жиҳозлардан 10 метр масофада жойлаштиришга рухсат берилади.

5.1.9. Сиқилган табиий газ ва СУГ ишлатиладиган технологик жиҳозларда қўлланиладиган, қўлда ва масофадан ишга тушириладиган беркитиш арматуралари бекилишининг зичлиги(герметиклиги) ГОСТ 9544 бўйича В синфига мувофиқ бўлиши керак.

СУГ резервуарларини тармоқ қувурлари ва патрубккалари ҳамда аварияга қарши химоя тизимининг беркитиш, сақлаш ва сошлаш арматуралари қуйидаги кўрсаткичлардан ёмонроқ бўлмаслиги керак:

ишдан чиқишигача ишлаган вақти 20000 давр (цикл)дан (20000 соат) кам;

элементларини алмаштириш билан боғлиқ бўлган техник хизмат кўрсатишнинг даврийлиги 5 йилда бир марттадан ортиқ.

Қўлланилаётган бекитиш арматураларининг, шу жумладан мажбурий ишга тушириш мосламаси бўлганларининг ҳам белгиланган тўлиқ ресурси, унинг ҳисоблаб топилган катталигининг 20%дан ошмаслиги ва ТЭХ да белгиланган бўлиши керак.

5.1.10. Ёнувчи суюқликли (мойлар, совутиш учун белгиланган суюқликлар ва х.к.) жиҳозларни, деворининг ҳарорати шу суюқликлар чақнаш ҳароратига тенг ёки чақнаш ҳароратининг 80%ни ташкил қиладиган жиҳозлари бўлган хоналарга жойлаштириш тақиқланади (ГОСТ 12.1.004га мувофиқ).

5.1.11. Технологик тизимларнинг конструкциялари жиҳозларни ёқилғидан ёнғин-портлашдан хавфсиз бўшатишни ва сиқилган табиий газ, СУГ ва унинг буғлари бўлган жиҳозларнинг ички ҳажмини, уларни демонтаж қилмасдан туриб қандай бўлса, СУГ учун белгиланган жиҳозларнинг деворлараро бўшлигини ҳам шундай инерт гази билан тозалаш эҳтимолини кўзда тутиши лозим. Бунда тепага чиқариб юбориш вертикал қувурларига сиқилган табиий газни чиқариб юбориш ва икки томондан узиб қўйилган ер устида ёки хоналарда жойлашган қувурлар ва жиҳозларни (бир деворли резервуарли АЁҚС дан ташқари) СУГдан бўшатиш жараёнини узоқдан (АЁҚС операторлар хонасидан) ва автоматик равишда (портлашгача бўлган концентрация ҳақида хабар берувчи ёнғин хабарловчилари ва сигнализаторлари ишлаб кетганида) бошқариш назарда тутилиши керак.

5.1.12. Агар ишлаб чиқарган завод хизмат қилиш даври давомида технологик тизим ҳамма ёқилғи жиҳозларининг техник-эксплуатацион ҳужжатида аниқ белгиланган зичлиги (герметиклиги)га кафолат бера олмаса, у ҳолда кўрсатилган жиҳозларнинг конструкцияси уларнинг зичлигини текшириш бўйича ёнғиндан хавфсиз даврий синовларни бевосита объектада ўтказишга йўл қўядиган бўлиши керак.

5.1.13. Ҳар бир мустақил технологик майдоннинг ишини автоматлаштирилган назорат, бошқариш ва авария ҳолатларида тўхтатиш асбоблари панелини АЁҚС операторлар хонасида жойлаштириш назарда тутилиши керак.

Кўрсатилган тизимларни такроран ишлатиш қурилмаларини бинодан бевосита ташқарига чиқиш йўлаги мавжуд ёки иншоотни ўраб туриш конструкцияларидан ташқарида бўлган, АЁҚС технологик тизимлари ўрнашган алоҳида хоналарда жойлаштиришга рухсат берилади.

Кириш ва чиқиш ёқилғи қувурларидаги беркитиш арматураларини бино (иншоот)дан ташқарида жойлаштириш зарур.

6. СУГни ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САҚЛАШ ВА ТАРҚАТИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН КЎП ЁҚИЛҒИЛИ АЁҚСнинг ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ МАЙДОНИГА ВА КЎП ЁҚИЛҒИЛИ АЁҚСнинг МУСТАҚИЛ МАЙДОНИ СИФАТИДА БАЖАРИЛГАН АГҚСга БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

6.1. СУГ сақлаш учун белгиланган резервуарлар ер остида устки қисмидаги тупроқ қатлами 0,5 метрдан кам бўлмайдиган қилиб жойлаштирилиши керак.

Ер ости резервуарларига (қувурларига) ер устида ёки қисман ер устида жойлашган, ишлатилиши давомида емирилмайдиган ёки энг юқориги чизиғи ва кенглиги бўйлаб 0,5 метр қалинликда тупроқ билан кўмилган резервуарларни тенглаштиришга йўл қўйилади. Белгиланган резервуарларни тупроқ билан кўмилиш кенглиги, резервуар деворидан тупроқ уюмининг четига 6 метрдан кам бўлмаслиги керак. Бунда резервуар (қувур) ва уни ҳимояловчи материал орасида, уларнинг ишлатилиши давомида бўшлиқ ҳосил бўлишининг олди олинишини таъминлаш зарур.

Аҳоли яшаш пункти ҳудудида жойлашган кўп ёқилғили АЁҚСлардаги СУГ резервуарларининг умумий сифими 20 м³дан, якка ҳолдагисининг эса 10 м³дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Аҳоли яшаш пункти ҳудудидан ташқарида жойлашган АЁҚСлардаги СУГ резервуарларининг умумий сифимини 2 мартагача оширишга йўл қўйилади.

Ташқи ёнғинни ўчириш ва мазкур меъёردа талаб қилинган миқдордаги сув сарфи билан энг катта резервуардаги СУГ ёниб бўлгунича кетадиган вақт оралигида совутиш таъминланганида (АЦ ҳам шу ҳисобда), шу АЁҚСдаги умумий ва якка ҳолда жойлашган СУГ резервуарларнинг сифимини 2 мартагача ошириш мумкин.

6.2. Технологик тизим СУГ ёки унинг буғларини СУГ сақлаш резервуарларидан атроф муҳитга ҳар қандай сизиб чиқиш эҳтимолини хавфсиз бартараф этиш, кўрсатилган буғларнинг концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 20%дан ортиқ бўлган буғ-ҳаво аралашмасининг АЁҚС ҳудудидан ташқарига чиқиш эҳтимолиги бир йилда 10⁻⁶ даражасидан ортиқ бўлган имкониятларининг олди олинишини таъминлаши лозим.

Кўрсатиб ўтилган талабларни қуйидагича бажариш мумкин.

СУГ сақлаш резервуарлари ва уларнинг пайвандланган уланиш жойлари бўлган ускуналари (патрубклар, штуцерлар, фланецлар, тиқинлар ва х.к.) ҳамда резервуарлардан СУГ ва унинг буғлари чиқадиган жойларнинг беркитилишини таъминлайдиган, биринчи беркитиш арматурасигача бўлган ҳамма ажраладиган уланиш жойлари икки деворли бўлиши керак. Улар АЁҚС ходимларига зичсизланиши (герметиклигининг бузилиши) ва компрессор жиҳозларининг автоматик равишда ўчирилиши ҳақида автоматик сигнализация (ёруғлик ва овоз сигналлари) қилинишини таъминловчи, резервуарларни ёқилғи билан тўлдириш операцияларини ва ёқилғининг кўп ёқилғили АЁҚСнинг ҳамма майдонларидан истеъмолчиларга тарқатилишининг тўхтатилишини таъминловчи деворлараро бўшлиғини узлуксиз назорат қилувчи тизимлар билан жиҳозланган бўлишлари керак.

6.3. Ҳайдовчи ва йўловчилар бўлиши мумкин бўлган ҳудуддан ўтадиган СУГ ва унинг буғлари учун белгиланган қувурлар ер остида жойлаштирилиши керак. Технологик тизим СУГ ёки унинг буғлари учун белгиланган қувурлардан атроф муҳитга ҳар қандай сизиб чиқиш эҳтимолини хавфсиз бартараф этиш, кўрсатилган буғларнинг концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 20%дан ортиқ бўлган буғ-ҳаво аралашмасининг АЁҚС ҳудудидан ташқарига чиқиши эҳтимолиги бир йилда 10⁻⁶ даражасидан ортиқ бўлган имкониятларининг олди олинишини таъминлаши лозим.

Кўрсатиб ўтилган талабларни қуйидагича бажариш мумкин.

Лойиҳа бўйича ҳайдовчи ва йўловчилар бўлиши мумкин бўлган АЁҚС ҳудудидан ўтувчи, 6.2. пунктда кўрсатилган патрубкарлардан ташқари, СУГ ва унинг буғлари учун белгиланган қувурлар бутун узунлиги бўйича икки деворли қилиб бажарилиши, АЁҚС ходимларига зичсизланиши (герметиклигининг бузилиши) ҳақида автоматик сигнализация (ёруғлик ва овоз сигналлари) қилинишини, СУГ ва унинг буғларини қувурнинг беркитилиши билан бирга СУГ ва унинг буғларини қувурнинг зичсизлашган қисмига берилишини, резервуарларни ёқилғи билан тўлдириш операцияларининг ва ёқилғининг кўп ёқилғили АЁҚСнинг ҳамма майдонларидан истеъмолчиларга тарқатилишини ҳамда компрессор жиҳозларининг тўхтатилишини таъминловчи қувурлараро бўшлиғининг узлуксиз назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

6.4. Резервуар ва қувурлар ички деворининг зичсизланиш (герметиклигининг бузилиши) ҳолларида резервуарларнинг деворлараро ва қувурларнинг қувурлараро бўшлиқларида СУГнинг ҳаво билан портлаш хавфи мавжуд аралашмаси ҳосил бўлишига йўл қўйилмаслиги лозим (мисол учун, шу бўшлиқни азот билан тўлдириш ҳисобига).

6.5. СУГ ни сақлаш учун белгиланган резервуарлар йўл қўйилган тўлдирилиш чегарасидан ортиқ тўлиб кетишининг автоматик равишда олдини олиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак (геометрик ҳажмининг 85%дан).

6.6. Қувур, штуцер, патрубк, люклар ва шу кабиларнинг СУГ сақлаш резервуарларига киритилиш ўрни уларнинг номинал тўлдирилиш сатҳидан юқорироқ жойдан амалга оширилиши керак.

6.7. Авария вазиятларида технологик тизимнинг қандайдир қисмида СУГ ёки унинг буғлари босимининг ТЭХда белгиланганидан ошиб кетишига олиб келадиган техник ечимлар қўлланилган ҳолларда, белгиланган майдонларда босимни автоматик равишда назорат қилиш тизимини кўзда тутиш лозим. Қувурларнинг назорат қилинаётган қисмларида босим ошиб кетганида босимни автоматик назорат қилиш тизими сигнал (нурли ва овозли сигнал билан) берилишини, резервуарларни ёқилғи билан тўлдириш операцияларининг ва ёқилғининг кўп ёқилғили АЁҚСнинг ҳамма майдонларидан истеъмолчиларга тарқатилишини ҳамда компрессор жиҳозларининг тўхтатилишини таъминлаши керак.

6.8. СУГ резервуарларининг тўлдирилиши фақат АЦлардан амалга оширилиши керак. Бу резервуарлар авария содир бўлганида АЦга бўшатилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

СУГни газ тўлдириш станциялари ёки пунктлари резервуарларидан АГҚС нинг умумий фойдаланиш колонкаларига узатиб беришга қуйидаги шароитларда рухсат этилади:

АГҚС ҳудудида СУГ резервуарлари бўлмаганида;

СУГни узатиб бериш қувурини газ тўлдириш станциялари ёки пунктлари ҳудудидан амалга ошириладиган, масофадан (АГҚС операторлари хонасидан) бекитилиши таъминланганида;

СУГ резервуарини тўлдириш даврида унинг шу резервуардан АГҚС СУГ тарқатиш колонкаларига узатилиши тўхтатилган (блакировка қилинган) шароитларда рухсат этилади.

АГҚС ёқилғи тарқатиш колонкаларидан шу колонкаларга СУГ узатаётган газ тўлдириш станияси ёки пункти бино ва иншоотларигача бўлган минимал масофани мазкур меёрнинг 4-жадвалига мувофиқ аниқлаш лозим. Бунда АГҚС ёқилғи тарқатиш колонкаларидан газ тўлдириш станияси ёки пункти ер ости резервуарларигача бўлган масофани 50% гача қисқартириш мумкин.

6.9. СУГ жиҳозлари жойлашган технологик қудуқлар, резервуар шахталари (бўш ҳажми мавжуд бўлган), СУГ учун белгиланган АЦ майдонлари ва ёқилғи қуйиш

оролчалари портлашгача бўлган концентрация ҳақида хабар берувчи сигнализаторлар билан жиҳозланиши керак. Бу сигнализаторлар СУГ ва сиқилган табиий газ учун белгиланган жиҳозлар жойлашган хоналарда ўрнатилган сигнализаторлар билан бир қаторда СУГ буғларининг концентрацияси аланга тарқалиши қуйи концентрация чегарасининг 10% дан ортганида зичсизлик ҳосил бўлган жой ҳақида сигнал (ёруғлик ва овоз билан) берилишини, резервуарларнинг тўлдирилиш операцияларининг автоматик равишда тўхтатилишини ва ёқилғи тарқатиш қурилмаларининг ўчирилишини таъминлаши лозим. Ёнғин хавфи мавжуд концентрацияларнинг датчиклари:

технологик қудуқ ва шахталар тубидан;

транспорт воситаларининг ёқилғи бакларини СУГ билан тўлдириш учун ўрнатиладиган майдон сатҳидан (СУГ колонкаси яқинида);

СУГ учун белгиланган АЦ майдони сатҳидан (АЦ қуйиб олиш енгининг резервуарни тўлдириш қузури билан ажраладиган уланиш жойи яқинида), 50-100 мм баландликда жойлашиши лозим.

СУГни сўриш-узатиш хоналарида ўрнатилган портлашгача бўлган концентрация ҳақида хабар берувчи сигнализаторлар ишлаганида автоматик равишда бажариладиган СУГни АЦдан қуйиб олиш операцияларининг тўхтатилиши, СУГни резервуарга ва унинг буғларини АЦ бўшлиғига узатиб бериш қувурларида ўрнатилган арматураларнинг беркитилиши, авариявий шамоллатиш тизимининг ва сигнализациянинг ёқилғининг сирқиб чиқиб кетишида ишга тушиши билан бирга резервуардан АЦга улаш штуцеригача ажратиб қўйилган тўлдириш ва СУГ буғларини орқага қайтариш тизмалари қисмларининг СУГ буғларини чиқариб юбориш қузури орқали чиқариб ташлаш ёрдамида автоматик равишда бўшатилиши таъминланган бўлиши керак.

6.10. СУГ буғларини чиқариб юбориш қузури ёнғин таъсиридан кўчма ёнғин ўчириш техникасининг келиши ва жойлашиши учун сарфланадиган, ҳудудий ёнғин хавфсизлиги органлари билан келишилган вақт оралиғида унинг ишлаб туришини таъминлайдиган даражада ҳимояланган (иссиқлик изоляцияси, сув қуйиб совутиш ва х.к.) бўлиши керак.

6.11. СУГ нинг буғ ва суюқ фазаси учун белгиланган, АЦ енглари ва транспорт воситалари ёқилғи қуйиш қурилмаларига уланиш жойларининг бевосита яқинида жойлашган технологик тизим қувурларида юқорида кўрсатиб ўтилган енг ва ёқилғи қуйиш қурилмаларининг зичлиги (герметиклиги) бузилганида газнинг технологик тизим қузуридан атмосферага чиқишининг олди олинишини таъминлайдиган махсус мосламалар назарда тутилиши керак.

7. СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, САҚЛАШ ВА ТАРҚАТИШ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН КЎП ЁҚИЛҒИЛИ АЁҚСнинг ТЕХНОЛОГИК ТИЗИМИ МАЙДОНИГА ВА АГТКСга БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

7.1. Ерда жойлашган ва босим остида бўлган сиқилган табиий газ учун белгиланган технологик тизим идишлари ҳимояланаётган идишларни 30 дақиқадан кам бўлмаган вақт давомида шикастланишининг олдини оладиган иссиқлик изоляцияси ёки сув қуйиб совутиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак. Бу ҳолда кўрсатиб ўтилган идишлардан (чиқариб юбориш қузури орқали) газларнинг ортиқча босимини чиқариб юбориш вақти 20 дақиқадан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кўрсатиб ўтилган идишлар 500 мм дан кам бўлмаган чуқурликда (чуқурликка туташган майдон четидан вертикал бўйича идишнинг юқори қисмигача бўлган масофа) жойлаштирилган ҳолларда уларнинг деворларига иссиқлик изоляцияси ёки сув қуйиб совутиш тизимини ўрнатмаса ҳам бўлади. Бунда шу идишларга қарашли беркитиш сақлаш, сошлаш ва ўлчов арматуралари унга туташ технологик майдон

юзасидан улар яқинига бемалол бориш мумкин бўлган ҳудудда жойлаштирилиши керак.

7.2. Компрессор қурилмаларида АЁҚСга олиб келадиган табиий газ қувурнинг зичлиги (герметиклиги) бузилганида уларни автоматик равишда ўчирадиган ва индикация қиладиган тизимни назарда тутиш лозим.

7.3. Сиқилган табиий газ учун белгиланган технологик тизим жиҳозлари ташқи ёнғин ўчоғи таъсиридан белгиланган жиҳозлар зичлиги (герметиклиги) бузилишига газларнинг чиқариб юборилиши таъминланадиган қилиб ҳимояланиши керак.

7.4. Газ жиҳозларига иссиқлик изоляцияси ўрнатишда ва улар ўрнатилган хоналарда табиий газни адсорбция қилиш хусусиятига эга материаллардан фойдаланиш тақиқланади.

7.5. АЁҚС ишлаш даврида яқинига ходимларнинг бемалол боришлари зарур бўлган назорат ўлчов асбоблари панеллари, бошқариш тугма (кнопка)лари ва шу кабиларни АЁҚС технологик тизимининг қолган жиҳозларидан 1-турдаги тўсиқ билан ажратилган ва бино ёки иншоотдан бевосита ташқарига чиқиш йўли бўлган хона (бўлма)ларда ёки бино, иншоот ташқарисида жойлашган бошқариш ва назорат шчитларида жойлаштирилиши назарда тутилиши керак.

8. ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ

8.1. ЁНҒИН ЎЧИРИШ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

8.1.1. Ёнғин ўчириш мақсадида АЁҚС да қуйидагиларни назарда тутиш керак:

бирламчи ёнғин ўчириш воситаларини;

стаionar(кўчмас) ёнғин ўчириш қурилмалари (автоматлаштирилганлари шу қаторда);

ташқи ёнғинга қарши водропровод.

8.1.2. Бирламчи ёнғин ўчириш воситаларини тури, зарур миқдори ва уларнинг жойлаштирилишини «Ўзнефтмаҳсулот» АҚ ЁХҚ ва Ўздавнефтмаҳсулот корхоналарини ишлатиш даврида ЁХҚ ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ томонидан тасдиқланган бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг зарур миқдорини ва турини аниқлаш бўйича тавсиялар талабларига мувофиқ танлаш лозим.

8.1.3. АЁҚСда ташқи ёнғин ўчириш камида иккита ёнғин ўчириш гидранти ёки ёнғинга қарши сув ҳавзасидан амалга оширилиши зарур. Суюқ ёқилғи сақлаш АЁҚС ва АГТКС ёнғинга қарши сув ҳавзасининг умумий ҳажми камида 100 м³ ташкил қилиши керак. Ёнғин ўчириш гидрантлари ва сув ҳавзалари АЁҚСдан 200 метрдан ортиқ ва АЁҚС резервуарларидан 40 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

Суюқ ёқилғи сақлаш АЁҚС ва АГТКС да ташқи ёнғин ўчириш учун сув сарфи биноларни ўчириш учун зарур бўлган сув сарфининг энг катта (максимал) миқдори ва ер устида жойлашган резервуарларни совутиш учун зарур бўлган умумий сув сарфини ўзичига олган йиғинди сифатида ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Биноларини ўчириш учун зарур бўлган сув сарфи КМК 2.04.02-97 дан (ҳайдовчи ва йўловчиларга сервис хизмати кўрсатиш бинолари ҳамда АЁҚС ходимлари учун белгиланган биноларга худди жамоат биноларига бўлганидек, транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш бинолари учун худди ишлаб чиқариш биноларига бўлганидек) аниқланади. Ер устида жойлашган резервуарлар (идишлар)ни совутиш учун зарур бўлган умумий сув сарфини камида 15 л/с деб қабул қилиш лозим.

Изоҳ: АЁҚС резервуарлари ер устида жойлашган ҳолларда улар ва ёнғин ўчириш гидрантлари ёки сув ҳавзалари орасидаги масофа 60 метрдан кам бўлмаслиги керак.

8.1.4 Аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида жойлашган АГТКС ва суюқ ёқилғи сақлаш АЁҚС учун қуйидаги ҳолларда ташқи ёнғин ўчириш сув таъминотини назарда тутмаслик мумкин:

агар, фақат икки деворли ёки ер ости резервуарлари бўлган, умумий сиғими 40 м³ дан ортиқ бўлмаган суюқ ёқилғи сақлаш АЁҚСларида;

агар, АГТКС ёки суюқ ёқилғи учун белгиланган АЁҚС ларда сервис хизмат кўрсатиш хоналари бўлмаганида.

Бундай АЁҚСларда қўшимча стационар (кўчмас) ёки кўчма ёнғин ўчиргичларни назарда тутиш лозим. Қўшимча ёнғин ўчиргичларнинг тури ва сони ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари билан келишган ҳолда аниқланади.

8.1.5. В (солиштира ёнғин юкмаси 181 МДж/м² ортиқ бўлмаган) ва Д тоифасига мансуб хоналар, механизациялаштирилган ювиш ва сутка давомида одамлар бўладиган ходимлар учун белгиланган хоналардан ташқари ҳамма хоналар автоматик ёнғин сигнализацияси қурилмалари билан жиҳозланган бўлишлари керак.

Майдони 20 м² дан ортиқ (солиштира ёнғин юкмаси 1401 МДж/м² ва ундан ортиқ бўлган) бўлган ёнғин хавфи бўйича В тоифасига мансуб (транспорт воситаларига сервис хизмати кўрсатиш ва майдонига боғлиқ бўлмаган ҳолда ЕАС ва ЁС бўлган омбор хоналари) ҳамда кўп ёқилғили АЁҚС, АЁҚС технологик тизимига қарашли, ичида сиқилган табиий газ ва суюлтирилган углеводородли газни сўриш-узатиш учун белгиланган жиҳозлар жойлашган АГҚС ёки АГТКС хоналари автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланишлари зарур. ЕАС ва ЁС сотиш учун белгиланган савдо залларини автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлаш заруриятини аниқлашда, уларни омбор хоналарига тенглаштириш лозим.

Автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари сифатида ўзи ишлаб кетиш режимида бўлган ёнғин ўчириш модулларини қўллашга рухсат берилади.

8.1.6. Ёқилғи тарқатиш колонкаларини ўзи ишлаб кетадиган ёнғин ўчиргичлар билан жиҳозлаш тавсия этилади.

8.2. КўП ЁҚИЛВИЛИ АЁҚС АГТКС ва АГҚС ЁНВИНГА ҚАРШИ ҚИМОЯ ВОСИТАЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

8.2.1. Кўп ёқилғили АЁҚС қаерда жойлашишига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташқи ёнғинга қарши водопровод билан таъминланиши керак.

Транспорт воситалари ёқилғи бакларини СУГ билан тўлдирадиган АЁҚСлар юқори босимли ёнғинга қарши водопровод билан таъминланишлари керак.

8.2.2. Ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари билан келишган ҳолда ташқи ёнғинни ўчиришга ва устидан қуйиб совутишга сувнинг берилиши насос станцияси ёрдамида умумий сиғими 200 м³дан кам бўлмаган, АЁҚСдан 200 метрдан ортиқ бўлмаган масофада жойлашган ёнғинга қарши сув ҳавзаси ёки резервуаридан амалга оширилиши керак. Тегиб бўлмайдиган ёнғинга қарши сув захирасини тиклаш учун зарур бўлган вақт 24 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак.

8.2.3. Омбор майдонида ер устида жойлашган ичида СУГ бўлган жиҳозларни ва автоцистернани ёнғин ҳолатида совутилишини таъминлаш учун, белгиланган жиҳоз устки юзасига сув оқизиб совутиш тизимининг ўрнатилишини назарда тутиш лозим. Сув оқизиб совутиш тизими операторлар хонасидан (масофадан) ишга тушириладиган бўлиб АЁҚС ёнғинга қарши водопровод тизимига уланган бўлиши керак.

Сув оқизиб совутиш тизимининг жойлашиши ва конструктив бажарилиши, унинг ёнғиннинг иссиқлик нурланиши таъсирига бардошлилигини таъминлаши керак.

8.2.4. Суюқ ёқилғи сақлаш АЁҚСда ташқи ёнғин ўчириш учун бўладиган сув сарфи, биноларни ўчириш учун зарур бўлган сув сарфининг энг катта (максимал) миқдори ва СУГли автоцистерна, ер устида жойлашган ичида СУГ ва сиқилган

табiiй газ бўлган жиҳозларни совутиш учун зарур бўлган умумий сув сарфини ўзичига олган йиғинди сифатида ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Автоцистернани ер устида жойлашган ичида СУГ ва сиқилган табiiй газ бўлган жиҳозларни совутиш учун зарур бўлган сувнинг узатилиш унумдорлиги қуйидагича қабул қилинади:

Автоцистерна юзаси учун -1 м^2 ҳимояланаётган юзага $0,1 \text{ л/с}$;

сиғимлар, баллонлар, штуцерлар ва сақловчи клапанларини ҳисобга олган ҳолда, функционал жиҳозлар, қувурлар туташган жойлардаги бекитиш арматуралари, қувурлар ва насослар хонасининг жиҳозлари жойлашган жой учун -1 м^2 ҳимояланаётган юзага $0,5 \text{ л/с}$.

Совутиш учун берилаётган сувнинг ҳисобий вақти 60 дақиқадан ортиқ деб қабул қилинади.

8.2.5. Сиқилган табiiй газ ва СУГ ишлатиладиган хоналар автоматик ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланишлари зарур.

8.2.6. АЁҚС хонасида ёнғин сигнализацияси ишлаб кетганида автоматик тартиб (режим)да қуйидагилар:

сутка давомидв одам бўладиган АЁҚС операторлар хонасида ёнғин ҳақида сигнал берилиши;

резервуар (идиш)ларнинг ёқилғи билан тўлдириш операцияларининг тўхтатилиши;

СУГни резервуарга ва СУГ буғларини АЦнинг бўш ҳажмига узатиш қувурларига ўрнатилган бекитиш арматураларининг ёпилиши;

ҳамма ёқилғи тарқатиш колонкалари ва компрессор жиҳозларининг ўчирилиши таъминланиши керак.

СУЮҚ МОТОР ЁҚИЛҒИСИНИ ТАРҚАТИШ ПУНКТИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

1. Суюқ мотор ёқилғиси тарқатиш пункти технологик жиҳозлар ва иншоотларидан у жойлашган корхонанинг бино, иншоот ва ташқи қурилмаларигача бўлган минимал масофани қуйидаги жадвалга мувофиқ қабул қилиш лозим.

№ т/н	Бино, иншоот ва ташқи қурилмаларнинг номи	Ёқилғи учун ер ости резервуарлари ва тозалаш иншоотлари	Ёқилғи сақлаш учун ер усти резервуарлари	Ёқилғи тарқатиш колонкалари	АЦ учун майдон
1.	Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар*. ГОСТ 19433 бўйича 2-4,8 синф ва 9.1 кенжа синфига мансуб хавфли юкларни ташиш учун белгиланган транспорт воситаларини сақлаш майдонлари.	30	30	30	30
2.	В ва Д тоифасига мансуб ишлаб чиқариш бинолари, В ва Д тоифасидаги хоналар, ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар**.				
	С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II ва С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси III бўлган бинолар	6	12	6	9
	С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси III бўлган ва С0 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси IV бўлган бинолар	9	16	9	12
	оловга бардошлилик даражаси IV, V бўлган бинолар, ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар**.	12	20	12	18
3.	Маъмурий ва маиший бинолар	18	25	18	25
4.	Транспорт воситаларини сақлаш учун очик майдон ва бостирмалар	6	12	6	9
5.	Корхона ички темир йўллари ўқигача	10	15	10	15
6.	Корхона автомобиль йўллари қатнов қисмининг четигача	5	9	5	9

7.	ГОСТ 12.1.007-76 бўйича I ва II синф хавфлиликка эга радиоактив ва зарарли моддалар бўлган бино ва иншоотлар, ГОСТ 19433 бўйича 1, 5-7 синф ва 9.2 кенжа синфларига мансуб хавфли юкларни ташиш учун белгиланган транспорт воситаларини сақлаш майдолари	100	100	100	100
----	---	-----	-----	-----	-----

* Ичида ёнувчи газ; енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учқун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилги сифатида ёқиладиган ёки утилизация қилинадиган ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} дан ортиқ бўлса.

**Ичида асосан совуқ ҳолдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар.

Изоҳ: 1. 2-пунктда кўрсатилган биноларгача бўлган масофа меъёрланмайди, агар бинонинг ёқилги тарқатиш пунктига қараган девори ёнғинга қарши ва туйнуксиз бўлса 3-пунктда кўрсатилган масофаларни 50%га камайтириш мумкин.

2. Жадвалда ёқилги тарқатиш пунктига қарашли ва мазкур меъёр талабларига жавоб берадиган тозалаш иншоотларигача бўлган масофа келтирилган. Корхона тозалаш иншоотларигача бўлган масофа уларнинг тоифаларига боғлиқ ҳолда аниқланади.

3. 4-сатрда сони 10 тадан ортиқ бўлмаган енгил ва мототранспортларни сақлаш майдонигача бўлган масофа кўрсатилган. Бу сон 50 тагача ортганида белгиланган масофалар 30%га, 50тадан ортиқ бўлганида - 60%га кўпайтирилиши керак. Тўхтаб туриш жойи бошқа транспорт воситалари учун ташкиллаштирилганида масофани 50%га кўпайтириш лозим.

4. Ёқилги тарқатиш пунктига қарашли бўлмаган, В ва Д тоифасига мансуб биноларда А, Б, Г тоифасига мансуб хоналар жойлаштирилганида бу хоналар девор (тўсиқ)ларигача бўлган масофа 30 метрдан ортиқ қилиб қабул қилиниши керак.

2. Ёқилги тарқатиш пунктининг операторлар хонасини, шу хонадан резервуарларни АЦдан тўлдириш ва ёқилгини истеъмолчиларга тарқатиш жараёнлари устидан кўз билан назорат қилиш таъминланган ҳолларда В ёки Д тоифасига мансуб бошқа мақсадлар учун белгиланган биноларда жойлаштиришга рухсат берилади.

3. Ёқилги тарқатиш пунктларига энг яқин бўлган, бир вақтнинг ўзида одамлар сони 50 ва ундан кам бўлиши мўлжалланган корхона бино ва иншоотлардан эвакуаион чиқиш йўллари, ер устида жойлашган АЁҚС ёқилги жиҳозлари ва АЦ учун белгиланган майдонлардан 12 метрдан, одамлар сони 50 ва ундан ортиқ бўлганида – 15 метрдан кам бўлмаган масофада жойлашиши керак.

**АВТОМОБИЛЛАРГА СУЮҚ МОТОР ЁҚИЛҒИСИ ҚҮЙИШ КҮЧМА
СТАНЦИЯЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР****1. ТЕХНОЛОГИК ЖИҲОЗЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР**

1.1. Аҳоли яшаш пунктларида ишлатиш учун белгиланган автомобилларга ёқилғи қуйиш кўчма станцияларининг (АЁҚКС) якка сиғим (камера)ларининг ҳажми 10 м³, аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида ишлатиш учун белгиланганлариники эса 20 м³ дан ортиқ бўлмаслиги керак.

1.2. Ёқилғи қуйиш автомобилларини автомобилларга ёқилғи қуйиш кўчма станцияси сифатида ишлатиш тақиқланади.

1.3. Автомобилларга ёқилғи қуйиш кўчма станцияси технологик тизими резервуарлари ер устида жойлашган АЁҚСлар технологик тизимларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак, бунда:-

бир деворли ва бир деворли ораёпмага (томга, тепа деворга) эга бўлган икки деворли резервуарларни ишлатишга йўл қўйилмайди;

АЁҚКС икки деворли резервуарининг деворлараро бўшлиғини узлуксиз назорат қилувчи тизим ўз иш қобилиятининг сақланишини автомобилларга ёқилғи қуйиш кўчма станциясининг ҳаракатланиши даврида (мумкин бўлган вибрацияларни ҳисобга олган ҳолда) қандай таъминласа, у тўхтаганида ҳам шундай таъминлаши зарур.

АЁҚС резервуарларининг тўлиб-тошиб кетишининг олдини олиш тизимлари элементларини такроран ишга туширадиган тизимни назарда тутмаслик мумкин;

автомобилларга ёқилғи қуйиш кўчма станцияси резервуарларининг сақлаш мембраналари АЁҚКС ағдарилиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳолларда босимни чиқариб юбориш юзасининг бутунлиги таъминланадиган қилиб механик шикастланишдан ҳимояланган бўлиши керак. АЁҚКС резервуарларини сақлаш мембраналари ўрнига сақлаш клапанлари билан жиҳозлаш тақиқланади;

АЁҚКС деаэрация тизмалари қувурларининг транспорт воситалари учун белгиланган ўтиш йўллари сатҳидан аниқланадиган энг юқори нуқтасининг жойлашиш баландлиги камида 2.5 метр бўлиши зарур;

нафас олиш клапани АЁҚКС резервуари устида атрофининг шамоллатилиши таъминланадиган қилиб ўрнатилиши керак. Нафас олиш клапанининг конструкцияси АЁҚКС ағдарилиб кетиш эҳтимоли бўлган ҳолларда у орқали ёқилғи суюқ фазаси чиқишининг олди олинишини таъминлайдиган бўлиши лозим.

1.4. Бир нечта ёқилғи қуйиш колонкаларига АЁҚКС резервуаридан бензин ёки дизель ёқилғисини узатиб бериш учун умумий қувур ишлатилишига, шу қувурларда ҳар бир ёқилғи қуйиш колонкасидан олдан бекитиш арматуралари мавжуд бўлган шароитларда йўл қўйилади.

1.5. Ички резервуар АЁҚКС ҳаракатланганида унда ёқилғи тўлқинлари ҳосил бўлишининг олдини оладиган мосламалар билан жиҳозланиши керак.

1.6. АЁҚКС резервуарларига келадиган ҳамма қувурлар юқоридан бажарилган бўлиши керак. Патрубка, кўрик туйнуғи, штуцер ва шу кабиларнинг резервуар билан уланган жойлари резервуарни ёқилғи билан номинал тўлдириш сатҳидан юқорида жойлашиши лозим.

1.7. АЁҚКС конструкцияси АЁҚКС резервуарининг тўлдириш қувурининг суюқ ёқилғидан тўлиқ бўшатилиш билан тўлдирилиш имкониятини таъминлаши керак. Тўлдириш қувурининг резервуарга уланиш жойида алангатўсқич ўрнатилган бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган қувур ёқилғи қуйиш муфтаси (агар у уланган жой ажралиб

кетганида ўзи ёпилмайдиган бўлса) ўрнатилган жой яқинида ва цистерна устида бекитиш арматураси билан жиҳозланган бўлиши керак.

1.8. Ёқилғи тарқатиш колонкалари АЁҚКС резервуарининг орқа қисқа ён томонида (остида) жойлашган технологик бўлмада ўрнатилиши лозим. Технологик бўлма тўкилган ёқилғини йиғиш учун таглик билан жиҳозланган бўлиши керак.

1.9. Ёқилғи тарқатиш колонкаларининг электр таъминоти, ё мустақил манбадан (АЁҚКСси ёқилғи сақлаш резервуарлари ер остида жойлашган АЁҚС худудида жойлашган ҳолларда), ё АЁҚКС электрогенератори ёки аккумуляторларидан амалга оширилиши лозим. Технологик бўлма ва нафас олиш клапанидан мотор бўлими, автомобилнинг чиқариш қувури, электрогенератор ва аккумуляторларгача бўлган масофа 3 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Электр таъминот ва сигнал кабелларининг уланадиган бўлимлари уларнинг тасодифан ажралиб кетишининг олдини олиш учун ўзаро механик маҳкамлаш мосламаларига эга бўлишлари керак. Узатиб бериш тизмаси насослари электр таъминотининг ўчирилиши АЁҚКСнинг технологик бўлмаси ва ҳайдовчи кабинасидан таъминланиши зарур.

1.10. Узатиб бериш тизмасида резервуарнинг ичида тўлдириш қувурининг энг пастки нуқтасидан камида 0,05 метр юқорида маҳкам ўрнатиладиган чўктириладиган насосларни назарда тутиш тавсия этилади.

Агар АЁҚКСнинг технологик бўлмасига ёқилғи узатиб бериш тизмасидаги насосларнинг ўрнатилиши назарда тутилган бўлса ёки чўктириладиган насосларнинг конструкцияси шу тизма қувурларидан ёқилғини «сифон» принципида келишининг тўхтатилишини таъминламаса, белгиланган қувурларни насослар токсизлаштирилганида ёқилғининг орқага оқишига қаршилик кўрсатадиган ва шу қувурда фақат узатиб бериш тизмасидаги насоснинг ҳосил қилган вакуум ёки босимига мувофиқ бўлган вакуум ёки босимдан очиладиган тескари клапан билан жиҳозлаш лозим. Тескари клапан, ё резервуар ичида ёки ёқилғи узатиб бериш қувурининг юқори нуқтасида ўрнатилиши керак. Резервуар устида (узатиб бериш қувурининг резервуарга уланиш жойи яқинида) бекитиш арматураси ўрнатилиши керак.

Истеъмолчиларга ўз оқимида келаётган ёқилғини тарқатиш тақиқланади.

1.11. АЁҚКС жиҳозларининг бажарилиши резервуар ва қувурларнинг зичлигини АЁҚКС га бўлган ТЭХ талабларига мувофиқ равишда даврий гидравлик ёки пневматик (инерт газ билан) текшириш синовларининг ўтказилиш эҳтимолини ҳамда резервуарларни таъмирлаш учун тайёрлашда ёпиқ усулда ёқилғи қолдиқларидан ёнғин-портлашдан хавфсиз тозалаш, дегазация қилиш ва шамоллатиш имкониятларини назарда тутиши керак.

1.12. АЁҚКСнинг конструктив бажарилиши ёки унинг ўрнатилиш усули станция майдони худудида транспорт воситаларининг унинг устига чиқиб кетиши натижасида шикастланиши эҳтимолини олдини олиши лозим.

1.13. АЁҚКС автомобилининг шассиси ГОСТ 27352 талабларига жавоб бериши керак.

2. АЁҚКСни ЖОЙЛАШТИРИШ МАЙДОНЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР

2.1. Аҳоли яшаш пунктларида АЁҚКСларни фақат анъанавий АЁҚСлар худудида, шу АЁҚСларнинг жиҳозларидан фойдаланган ҳолда ёқилғини тўлдириш ва тарқатиш, олов билан боғлиқ бўлмаган регламентда белгиланган ва таъмирлаш ишларини ўтказиш даврида жойлаштириш мумкин. АЁҚКСлар АЁҚС худудида жойлаштирилган даврда сервис хизмат кўрсатиш биноларини ишлатишга йўл қўйилмайди. АЁҚКСларни аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида жойлаштирилганда ҳамда аҳоли яшаш пунктларида жойлаштириш зарур бўлган айрим ҳолларда уларни

бошқа турдаги АЁКСлар билан етарли даражада таъминланмаган ҳудудларда назарда тутилган бўлиши, шу мақсад учун махсус жиҳозланган майдонларда ўрнатилиши лозим. Бундай майдонларнинг жойлашиш жойлари ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари билан резервуарлари ер устида жойлашган АЁҚСларга қўйиладиган талабларни ва қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда келишилган бўлиши керак:

анъанавий автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияларининг ҳудудида ёқилғи қуйиш оролчасининг яқинидаги ўтиш йўлининг бирида шундай жойлаштирилиши керакки, бунда транспорт воситаларининг шу оролчага қарашли қарама-қарши йўлидан ёқилғи қуйишлари учун хавфсиз ўтишлари таъминланган бўлсин. Бунда АЁҚСнинг олди ва орқа томонидан вақтинчалик тўсиқлар урнатиш лозим;

АЁҚСни ўрнатиш учун белгиланган майдонни унинг олдида транспорт воситаларининг фақат бўйламасига бир томондан ўтишлари мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда танлаш лозим;

АЁҚСдан бино ва иншоотларгача бўлган масофани 1-жадвалга мувофиқ равишда (ер усти резервуарларигача бўлгани каби) қабул қилиш лозим;

АЁҚСни ўрнатиш учун белгиланган майдон ПУЭ талабларига жавоб берадиган АЁҚСни ерга улаш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши зарур.

3. АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ТЎЛДИРИШ КЎЧМА КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ (АГТККС) ВА АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ҚУЙИШ КЎЧМА СТАНЦИЯ (АГҚКС)ЛАРИГА БЎЛГАН ЎЗИГА ХОС ТАЛАБЛАР

3.1. Автомобилларга газ тўлдириш кўчма компрессор станцияси ва автомобилларга газ қуйиш кўчма станцияларининг майдонларини жойлаштириш ва жиҳозлаш мувофиқ равишда стационар автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияси ва автомобилларга газ қуйиш станциялари майдонларини жойлаштириш ва жиҳозлашга бўлган талабларга жавоб бериши керак.

3.2. Автомобилларга газ тўлдириш кўчма компрессор станцияси идишлари ва автомобилларга газ қуйиш кўчма станцияси резервуарларидан ёқилғи тарқатиш колонкаларигача бўлган масофа, технологик тизим қуйидаги талабларга жавоб берган ҳолларда меёрланмайди:

газ ёқилғисини сақлаш резервуарлари (идишлари), транспорт воситасининг ёқилғи тизими баллонларининг ер остида жойлашган резервуар (идиш)ларники каби шикастланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда ёнғиннинг хавфли таъсир (фактор)лари натижасида зичсизланиши (герметиклигининг бузилиши)дан ҳимояланган бўлиши керак;

Автомобилларга газ қуйиш кўчма станцияси резервуари ва шу резервуардан СУГ ва унинг буғларини атроф муҳитга чиқиш жойларининг ёпилишини таъминлайдиган биринчи бекитиш арматураси орасидаги ажраладиган улаш мосламаларининг зичлагичлари бир-бирини такрорлайдиган бўлиши керак. Шу уланиш жойлари, ўзаро бир-бирини такрорлайдиган зичлагичлар орасининг зичлигини (герметиклигини), автомобилларга газ тўлдириш кўчма станцияси ходимларига зичсизлик ҳосил бўлганида автоматик равишда сигнал берилишини, резервуардан чиқиш қувурининг ёпилишини, СУГ насослари ва ёқилғи тарқатиш колонкаларининг ўчирилишини таъминлайдиган, узлуксиз автоматик назорат қилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

автомобилларга газ қуйиш кўчма станцияси резервуари СУГ ва унинг буғларини тарқатиш қувурлари орқали чиқиб кетишининг ва СУГ буғ фазасининг газларнинг авария ҳолатида сарфланишида белгиланган қувурлар орқали қайтишининг автоматик равишда олдини оладиган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши керак;

автомобилларга газ қуйиш кўчма станцияси резервуари, ўзининг автомобили двигателини ишлатиш даврида СУГ насослари ва тарқатиш колонкаларининг ўчирилиши, СУГни узатиб бериш ва СУГ буғларининг тарқатиш колонкаларидан қайтиш қувурларининг бекитилишини автоматик равишда таъминлайдиган қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Бунда кўрсатиб ўтилган қурилмаларни ёпилиши, СУГ насослари ва тарқатиш колонкаларини хавфсиз жойдан ўчириш имкониятини таъминлаш зарур;

кўчма газ тўлдириш станциясининг технологик тизими унинг жиҳозларидан табиий газнинг ортиқча босимини ташлаб юбориш қувурлари орқали масофадан (одамларнинг, концентрацияси аланга тарқалишининг қуйи концентрация чегарасининг 20%дан ортиқ бўлган СУГ буғлари билан газланган ҳудудда бўлишни талаб қилмайдиган) чиқариб юбориш имкониятини таъминлаши керак. Ташлаб юбориш қувурининг чиқариш туйнуғи ёқилғи қуйиш учун киритиладиган транспорт воситасидан камида 1 метр баландликда жойлашиши лозим.

Бунда автомобилларга газ тўлдириш ва газ қуйиш кўчма станцияларининг конструкциялари ёки уларнинг майдонларда ўрнатиш услуби транспорт воситаларининг белгиланган АЁҚС технологик тизимлари устига чиқиб (урилиб) кетишига йўл қўймайдиган бўлиши керак.

3.3. СУГ резервуарлари яқинида, фақат битта томонида ҳимоя экранини ўрнатишга йўл қўйилади. Бунда улар орасида АГҚКС майдони юзасидан 50-100 мм баландликда, СУГ буғларининг концентрацияси аланга тарқалишининг қуйи концентрация чегарасининг 20%дан ортиқ кўрсаткичга етганида, АГҚКС ходимларига автоматик равишда сигнал берилишини, резервуардан чиқиш қувурларининг ёпилишини, СУГ насослари ва тарқатиш колонкаларининг ўчирилишини таъминлайдиган портлашгача бўлган концентрация датчикларини ўрнатиш лозим.

Ҳимоя экранини одатда шамолнинг устунлик қиладиган йўналишига (йиллик «муайян эсувчи шамоллар йўналиши» бўйича) параллель қилиб ўрнатиш керак.

3.4. Автомобилларга газ тўлдириш ва газ қуйиш кўчма станцияларининг ёқилғи сақлаш блоklarининг транспорт воситалари ДОПОГ талабларига жавоб бериши керак.

**ЕР УСТИДА ЖОЙЛАШГАН БИР ДЕВОРЛИ РЕЗЕРВУАРЛАР ИШЛАТИЛИШИ
НАЗАРДА ТУТИЛГАН, АВТОМОБИЛЛАРГА СУЮҚ МОТОР ЁҚИЛҒИСИ ҚУЙИШ
СТАНЦИЯЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР***

1. Ер устида жойлашган бир деворли резервуарларнинг ишлатилишига фақат аҳоли яшаш пунктлари ва корхоналардан ташқарида жойлашган АЁҚСларда мазкур меъёрлар талабларини бажарган, ҳамда қуйида баён этилган талабларни ҳисобга олганда йўл қўйилади.

2. Контейнерли АЁҚСларни А ва Б турларга бўлиш қуйидаги шароитлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади:

А тури - резервуарларнинг умумий сиғими 20дан то 60 м³гача;

Б тури - резервуарларнинг умумий сиғими 20 м³дан ортиқ бўлмаган.

Модулли АЁҚСлар резервуарларининг умумий сиғими қуйидагиларни ташкил қилиши лозим:- А тури учун - 40дан то 100 м³гача, Б тури учун - 40 м³дан ортиқ эмас.

Якка ҳолдаги резервуарларнинг ҳажми 10 м³дан ошмаслиги лозим.

3. АЁҚСдан унга боғлиқ бўлмаган объектларгача бўлган энг кам (минимал) масофа қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

1-жадвалга

№ т/н	Бино, иншоот ва бошқа биноларнинг номи	... турдаги АЁҚСдан масофаси (м).	
		А	Б
1	Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий-маиший бино ва иншоотлари (10 сатрда кўрсатилганларидан ташқари)	30	
2	Урмон массивлари:		
	игнабаргли ва аралаш	50	40
	баргли	20	15
3	Уй-жой ва жамоат бинолари	100	50
4	Одамлар кўп йиғиладиган жойлар	100	
5	Индивидуал гаражлар ва автомобиллар учун очиқ турар жой	40	30
6	Савдо дўконлари	50	
7	Умумий тармоқ автомобил йўллари (қатнов қисмининг чети)		
	I, II ва III тоифали	25	20
	IV ва V тоифали	15	12
8	Умумий тармоқ темир йўллари(кўтарманинг нишаби пастки чети ёки ўйилган жойнинг чети)	30	
9	АЁҚСга тегишли бўлмаган канализациянинг тозалаш иншоотлари ва насос станциялари	40	30
10	Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар*, радиоактив ва ГОСТ 12.1.007 бўйича хавфлилиги I ва II синфга мансуб зарарли моддалар мавжуд бўлган бино ва иншоотлар	100	100
11	Электр узатиш тармоқлари, электрподстанциялар (шу жумладан трансформатор подстанциялари)	ПУЭ бўйича	
12	Ёғоч материаллари, торф, толасимон ёнувчи моддалар, пичан, сомон омборлари	50	35

13	Пахта далалари ва ғалла ээкинлари майдон (массив)лари, хирмон, ғарам ва ҳ.к.	100	100
14	Кўприклар, кўприкйўл (путепровод)лар	100	100

* Ичида ёнувчи газ; енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилғи сифатида ёқиладиган ёки утилизация қилинадиган ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиган, қайта ишланадиган, узатиб бериладиган) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} -дан ортиқ бўлса.

Изоҳ: 1. АЁҚС ўрмон яқинида жойлаштирилганида игнабаргли ва аралаш ўрмонгача бўлган масофани икки марта камайтиришга рухсат этилади, бунда ўрмон ва АЁҚС чегарасига туташ майдон чегараси узунлиги бўйлаб ер юзаси ўз сиртида ёнғин тарқалишига йўл бермайдиган материаллардан бажарилган қопламага эга ёки ер 5 метр кенгликда ҳайдалган бўлиши керак.

2. АЁҚС технологик тизими флегматизация ёки бошқа алангаланишни ва/ёки технологик жиҳоз ичидаги буғ-ҳаво аралашмасининг ёниб кетишини олдини оладиган тизимлар билан таъминланганида жадвалда кўрсатилган масофаларни 25%гача камайтиришга рухсат берилади (3,4,10,11-сатрларда кўрсатилганларидан ташқари).

4. Контейнернинг ёқилғи сақлаш резервуарлари авария ҳолатларида ёқилғини йиғиш учун белгиланган сиғимга ўрнатилган бўлиши лозим. Белгиланган сиғимнинг ҳажми ёқилғи сақлаш контейнери резервуарларининг энг каттаси сиғимидан кам бўлмаслиги керак.

5. Бир нечта резервуарларни авария ҳолатларида ёқилғини йиғиш учун белгиланган умумий сиғимга ўрнатилган ҳолларда бу сиғимни резервуарлар орасида жойлаштирилган тўсиқлар билан бўлимларга бўлиш лозим. Тўсиқларнинг баландлиги белгиланган сиғим чекка девори баландлигининг яримига тенг бўлиши керак. Тўсиқлар ёнмайдиган материаллардан бажарилган бўлиши керак. Тўсиқнинг сиғим билан уланиш жойлари зич (герметик) бўлиши зарур.

6. Ёқилғи сақлаш контейнерлари автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари (масалан, ўзи ишлайдиган ёнғин ўчиргич) билан жиҳозланган бўлиши керак.

РЕЗЕРВУАРЛАРИ БИР ДЕВОРЛИ АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ҚУЙИШ СТАНЦИЯСИГА БЎЛГАН ЎЗИГА ХОС ТАЛАБЛАР

7. Резервуарлари бир деворли бўлган АГҚСларда, савдо зали бўлмаган эҳтиёж моллари магазинидан ташқари ҳайдовчи, йўловчи ва уларнинг транспорт воситаларига сервис хизматини кўрсатиш бино ва иншоотларини, жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

8. Резервуарлари бир деворли бўлган АГҚС биноларининг ёнғин хавфи С0 ёки С1 синфига мансуб, оловга бардошлилик даражаси I, II бўлиши керак.

9. Резервуарлари бир деворли бўлган АГҚСлардан унга тегишли бўлмаган объектларгача ҳамда ёқилғи қуйиш пункти сифатида ишлатилаётган корхонанинг бино ва иншоотларигача бўлган энг кам (минимал) масофа 2-жадвалга мувофиқ қабул қилинади.

№ т/н	Оралиқ масофаси аниқланиши зарур бўлган объектлар номи	Бино, иншоот ва жиҳозлардан АГҚС технологик тизимигача бўлган масофа, м.	
		ичида СУГ бўлган ер ости резервуарли	ичида СУГ бўлган ер усти резервуарли
1	Ишлаб чиқариш, омбор ва маъмурий- маиший ва саноат корхоналарининг иншоотлари (10 сатрда кўрсатилганларидан ташқари)	80	100
2	Урмонлар:		
	игнабаргли ва аралаш	60	100
	баргли	40	60
3	Уй-жой ва жамоат бинолари	100	300
4	Одамлар кўп йиғиладиган жойлар	100	300
5	Индивидуал гаражлар ва автомобиллар учун очиқ турар жой	50	100
6	Савдо дўкони	60	100
7	Умумий тармоқ автомобил йўллари (қатнов қисмининг чети)		
	I, II ва III тоифали	50	100
	IV ва V тоифали	30	60
	Электрлаштирилган шаҳар транспорти қатнов йўли (контакт тармоғигача)	50	100
8	Умумий тармоқ темир йўллари(ўтарманинг нишаби пастки чети ёки ўйилган жойнинг чети)	80	100
9	АЁҚСга тегишли бўлмаган канализациянинг тозалаш иншоотлари ва насос станциялари	100	100
10	Ёнғин хавфи мавжуд технологик қурилмалар*, радиоактив ва ГОСТ 12.1.007 бўйича хавфлиги I ва II синфга мансуб зарарли моддалар мавжуд бўлган бино ва иншоотлар	100	100
11	Электр узатиш тармоқлари, электрподстанциялар (шу жумладан трансформатор подстанциялари)	ПУЭ бўйича	
12	Ёғоч материаллари, торф, толасимон ёнувчи моддалар, пичан, сомон омборлари	50	100
13	Пахта далалари ва ғалла ээкинлари майдон (массив)лари, хирмон, ғарам ва ҳ.к.	100	100
14	Кўприклар, кўприкийўл (путепровод)лар	100	100

* Ичида ёнувчи газ; енгил алангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар; ёнувчи чанг ва/ёки толалар; сув, ҳаводаги кислород билан ва/ёки ўзаро таъсир қилганида ёниши мумкин бўлган модда ва/ёки материаллар; ишлов бериш жараёни нур иссиқлиги учкун ва/ёки аланга ажралиб чиқиши билан кузатиладиган иссиқ, қизиган ва/ёки эриган ҳолатдаги ёнмайдиған модда ва/ёки материаллар, ҳамда ёқилғи сифатида ёқиладиған ёки утилизация қилинадиған ёнувчи газ, суюқлик ва/ёки қаттиқ моддалар бўлган (сақланадиған, қайта ишланадиған, узатиб бериладиған) қурилмалар; шундай шарт биланки, белгиланган модда ва материаллар ташқи қурилмалардан 30 метр масофада босим тўлқинларини ҳосил қилиб ёнганида индивидуал хавф катталиги йилига 10^{-6} дан ортиқ бўлса.

Изоҳ: Резервуарлари бир деворли ер остида жойлашган, корхона ҳудудида ёқилғи қуйиш пункти сифатида ишлатилаётган АГҚСдан шу корхона бино ва иншоотларигача бўлган энг кам (минимал) масофани, агар технологик тизим конструкциясида резервуарларга СУГ ва унинг буғларини олиб келадиған ва улардан олиб кетадиған қувурларда биринчи турган бекитиш арматураларини масофа (операторлари хонаси ёки бошқа хавфсиз жой)дан ёпиш, ҳамда авария даврида белгиланган

қувурларнинг ер устида жойлашган қисмларидан СУГ буғларининг ортиқча босимини ташлаб юбориш қувурларига чиқариб юборилиши назарда тутилган шароитда 6-жадвалга мувофиқ қабул қилиш мумкин.

10. Резервуарлари бир деворли бўлган АГҚС бино ва иншоотлари орасидаги масофани 5-жадвалдан қабул қилинади. Ер устида жойлашган резервуарларгача бўлган масофани 5-жадвалда кўрсатилган ер ости резервуарларигача бўлган масофага нисбатан 50%га кўпайтириш лозим. Ер устида жойлашган резервуарлар орасидаги масофа 20 метрдан кам бўлмаслиги керак.

11. Қувурлар, щтуцерлар ва патрубкларнинг СУГ сақлаш резервуарларига кириш жойи уларнинг номинал тўлдирилиш сатҳидан юқори бўлган еридан амалга оширилиши керак.

Қувурларнинг кириш қисми қуйидаги қурилмалар билан жиҳозланганида қувурларнинг кириш жойини номинал тўлдирилиш даражасидан пастроқдан амалга ошириш мумкин:

авария даврида белгиланган қувурлардан СУГ нинг резервуардан чиқилиши автоматик равишда олдини оладиган;

қувурларнинг хавфсиз бекитилишини таъминлайдиган;

уларнинг ишдан чиқишига олиб келаши мумкин бўлган механик шикастланиш ва аланганинг таъсиридан ҳимояланган;

5.1.9 пунктнинг талабларига жавоб берадиган қурилмалар билан жиҳозланиши зарур.

12. Ҳайдовчилар бўлиши назарда тутилган АГҚС ҳудудидан СУГ ва унинг буғлари бўлган қувурларни АГҚС майдони сатҳидан юқорида жойлаштиришга ва кўрсатилган қувурлар мазкур меъёрларнинг 3.1.1 пункти талабларига жавоб берадиган иссиқлик изоляцияси билан ҳимояланганида бир деворли қилиб бажаришга рухсат берилади. Бунда, бу қувурлар иссиқлик изоляцияси билан ҳимояланган қувурларнинг шамоллатилиши ва транспорт воситалари томонидан уларнинг шикастланиш эҳтимолини олди олиниши шартларини таъминлаш талабларига жавоб бериши керак.

13. СУГ сақлаш резервуарларининг умумий сиғими 20 м³дан, якка ҳолдаги резервуарники – 10 м³дан ортиқ бўлмаслиги керак. Аҳоли яшаш пунктдан ташқарида жойлаштирилган АГҚСдаги СУГ сақлаш ер ости резервуарларнинг умумий ва якка ҳолдаги сиғимини 2 мартагача кўпайтиришга йўл қўйилади.

14. АГҚСда қуйидагиларни назарда тутмаслик мумкин:

АЦ учун белгиланган майдонни 3.2.6 пункти бўйича жиҳозлашни;

АЦ учун белгиланган майдон ва ёқилғи қуйиш оролчаларида 6.9 пункти бўйича портлашгача бўлган концентрация датчикларини;

СУГ буғларини чиқариб юбориш қувурини 6.10 пункти бўйича ёнғиндан ҳимоялашни;

СУГ технологик жиҳозларни 8.2.3 пункти бўйича сув қуйиб совутиш тизимини;

юқори босимли водопровод тизимини;

резервуарларнинг ёқилғи билан 5.1.3 пункти бўйича автоматик тўлдирилиши эҳтимолининг олди олинишини;

икки томонидан ёпиб қўйилган қувурларнинг 5.1.11 пункти бўйича масофадан ва автоматик равишда СУГдан бўшатилиши эҳтимолини.

15. Ташқи ёнғин ўчириш ва совутишга сув узатиш кўчма ёнғин ўчириш техникаси ёрдамида, сиғими 8.2.4 пункт асосида ёнғин ўчириш ва совутиш учун зарур бўлган сув узатиш унумдорлиги ва вақтдан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб аниқланадиган, лекин АГҚСдан 200 метрдан ортиқ бўлмаган масофада жойлашган, 200 м³дан кам бўлмаган сув ҳавзалари ёки резервуарларидан амалга оширишга рухсат берилади.

ШНК 2.09.20-08

АГҚС аҳоли яшаш пунктларидан ташқарида ва ўраб турган объектлардан 300 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилган шароитларда белгиланган сув ҳавзалари ва резервуарларини назарда тутмаса ҳам бўлади.

БИР ДЕВОРЛИ РЕЗЕРВУАРЛАР ЁКИ ИККИ ДЕВОРЛИ РЕЗЕРВУАРЛАРНИНГ ДЕВОРЛАРАРО БЎШЛИҒИНИНГ ЗИЧЛИГИНИ (ГЕРМЕТИКЛИГИНИ) НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР**1. БИР ДЕВОРЛИ ЁҚИЛҒИ САҚЛАШ РЕЗЕРВУАРЛАРИНИНГ ЗИЧЛИГИ (ГЕРМЕТИКЛИГИ)НИ ДАВРИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР**

1.1. Бир деворли ер ости резервуарларининг зичлиги (герметиклиги)ни уларда ёқилғи борлигини таҳлил қилиш учун резервуар деворлари ва қобик орасида ҳосил бўлган бўшлиқнинг энг паст қисмида, даврий амалга ошириладиган намуна (газ ёки суюқлик) олиш йўли билан назорат олиб бориш мумкин. Шу мақсадда кўрсатиб ўтилган бўшлиқ тўлдириладиган материалда махсус ўлчов патрубкарини назарда тутиш лозим.

1.2. Бир деворли резервуарларнинг зичлиги (герметиклиги)ни суюқлик сатҳининг пасайишини узоқ вақт сақлаш давомида (ёқилғини қабул қилиш ва тарқатиш операциялари 3 соат ва ундан ортиқ вақт давомида ўтказилмаса) метрошток ёки юқори аниқликка эга электрон сатҳ ўлчлагич ёрдамида бир неча бор ўлчаш йўли билан резервуардаги ёқилғининг сатҳи пасайишини назорат қилиш мумкин.

1.3. Бир деворли резервуарларнинг зичлиги (герметиклиги)ни даврий пневматик синов ўтказиш ёрдамида назорат қилиш мумкин. Синовлар ёқилғидан бўшаган резервуарларда инерт газининг ортиқча босимини ҳосил қилиш ва кейинчалик унинг сақланишини 30 дақиқа давомида кузатиш йўли билан амалга оширилиши керак. Пневматик синовлар ўтказилиши даврида резервуарларнинг шикастланиши эҳтимолини олдини олиш учун, кўрсатилган синовларни ўтказишга белгиланган технологик тизим конструкцияларида назарда тутилган арматуралар таркибига резервуарда йўл қўйилган ортиқча босимнинг ТЭХда аниқ белгиланганидан ортиб кетишининг олдини олувчи сақловчи клапанларни киритиш лозим.

1.4. Бир деворли резервуарларнинг зичлиги (герметиклиги)ни қобик ва резервуар орасидаги бўшлиқ тўлдирилган ёнмайдиган материалда ёқилғи мавжудлигини кўрсатилган материалнинг электрофизик хоссаларини даврий таққослаш йўли орқали назорат қилиш мумкин.

2. ИККИ ДЕВОРЛИ ЁҚИЛҒИ САҚЛАШ РЕЗЕРВУАРЛАРИ ДЕВОРЛАРАРО БЎШЛИҒИНИНГ ЗИЧЛИГИ (ГЕРМЕТИКЛИГИ)НИ ДАВРИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР

2.1. Икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни даврий пневматик синов ўтказиш ёрдамида назорат қилиш мумкин. Синовлар белгиланган бўшлиқда шу илованинг 1.3 пунктида кўрсатилган талаблар бажарилган ҳолда инерт газининг ортиқча босимини ҳосил қилиш йўли билан ўтказилиши керак.

2.2. Икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни, деворлараро бўшлиғи тўлдириладиган суюқликнинг сатҳини даврий назорат қилиш йўли билан назорат қилиш мумкин.

Бундай суюқлик сифатида бир вақтнинг ўзида қуйидаги талабларни қониқтирадиган моддаларни ишлатиш мумкин: суюқликнинг зичлиги ёқилғининг зичлигидан юқори бўлиши керак; суюқликнинг чакнаш ҳарорати 100°C дан кам бўлмаслиги лозим, суюқлик резервуар конструкциясида ишлатилган материаллар ва моддалар ҳамда ёқилғи билан реакцияга киришмаслиги керак; суюқлик

резервуарларнинг ишлатилиши давридаги атроф муҳит ҳарорати шароитларида ўзининг функционал белгиланишини таъминловчи хоссаларини сақлаб қолиши зарур.

Резервуарларнинг деворлараро бўшлиғи суюқлик билан тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак. Деворлараро бўшлиқ суюқликни ёпиқ усулда сўриб чиқариб юбориш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим. Атроф муҳит ҳароратининг пасайиши ҳисобига суюқлик зичлигининг кутарилиши натижасида бўшлиқ ҳосил бўлиш аҳтимоли бўлмаслиги керак (масалан, кенгайиш сиғими ўрнатилиши ҳисобига). Деворлараро бўшлиғининг нафас олиш патрубкиси аланга тўсқич билан жиҳозланиши лозим.

3. БИР ДЕВОРЛИ ЁҶИЛҒИ САҚЛАШ РЕЗЕРВУАРЛАРИНИНГ ЗИЧЛИГИ (ГЕРМЕТИКЛИГИ)НИ УЗЛУКСИЗ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР

3.1. Бир деворли резервуарларнинг зичлиги (герметиклиги)ни резервуар деворлари ва қобиқ орасида ҳосил бўлган бўшлиқнинг энг паст қисмидан ёқилғининг сирқиб чиқишини автоматик тартибда (режимда) стационар ўрнатилган махсус датчиклардан фойдаланган ҳолда узлуксиз кузатиш йўли билан назорат қилиш мумкин.

3.2. Бир деворли резервуарларнинг зичлиги (герметиклиги)ни технологик тизимдаги ёқилғининг оғирлик (масса) мувозанатининг сақланишини ёқилғининг миқдорини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш даврида ҳисобга олиш автоматлаштирилган тизимидан фойдаланган ҳолда узлуксиз кузатиш йўли билан назорат қилиш мумкин.

4. ИККИ ДЕВОРЛИ ЁҶИЛҒИ САҚЛАШ РЕЗЕРВУАРЛАРИ ДЕВОРЛАРАРО БЎШЛИҒИНИНГ ЗИЧЛИГИ (ГЕРМЕТИКЛИГИ)НИ УЗЛУКСИЗ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР

4.1. Икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни, деворлараро бўшлиғи тўлдириладиган суюқликнинг сатҳини тегишли сатҳ датчик-сигнализаторлари ёрдамида автоматик равишда узлуксиз назорат қилиш йўли билан назорат қилиш мумкин.

Тизимнинг ишлаб кетиш поғонаси, резервуарнинг деворлараро бўшлиғи устида ўрнатилган кенгайиш сиғимидаги суюқлик устуни баландлигининг ТЭХда қўрсатилган катталиққа пасайишига мувофиқ келиши керак. Бунда мазкур илованинг 2.2-пунктида баён этилган талаблар бундай тизимларга ҳам тарқалади.

4.2. Икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни тегишли босим датчик-сигнализаторлари ёрдамида резервуарларнинг деворлараро бўшлиғидаги инерт газининг ортиқча босимини узлуксиз автоматик назорат қилиш йўли билан назорат қилиш мумкин.

Инерт газининг ортиқча босими 0,02 МПа дан ортиқ бўлмаслиги керак. Резервуарнинг деворлараро бўшлиғида 0,02 МПа га тенг бўлган ортиқча босимнинг ошиб кетишининг олдини олиш учун сақловчи клапан назарда тутилиши зарур.

Тизимнинг ишлаб кетиш поғонаси, деворлараро бўшлиқдаги босимнинг ТЭХ да қўрсатилган катталиққа камайишига мувофиқ бўлиши керак.

5. ИККИ ДЕВОРЛИ ЁЌИЛЃИ САЌЛАШ РЕЗЕРВУАРЛАРИ ДЕВОРЛАРАРО БЎШЛИЃИНИНГ ЗИЧЛИГИ (ГЕРМЕТИКЛИГИ)НИ УМУМЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИГА МИСОЛЛАР

5.1. Икки деворли резервуарларнинг деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни резервуар деворлараро бўшлиғининг тубидаги ёқилғи буғлари концентрациясини тегишли датчик-сигнализаторлар ёрдамида узлуксиз автоматик назорат қилиш йўлини, мазкур илованинг 2.1-пунктида баён этилган талабларга мувофиқ даврий пневматик синов йўли орқали амалга ошириладиган даврий назорат билан бирга қўшиб ўтказиш мумкин.

5.2. Тизимнинг ишлаб кетиш поғонаси, шу буғлар концентрацияси кўрсаткичининг резервуарда сақланишига йўл қўйилган ёқилғи буғларининг аланга тарқалиши қуйи концентрация чегараси энг кичик қийматининг 20% га тенг бўлган кўрсаткичигача ортиб кетишига мувофиқ бўлиши керак. Ёқилғи буғларининг резервуарнинг деворлараро бўшлиғида алангаланиши эҳтимолининг олдини олиш учун шу бўшлиқ ҳавони сиқиб чиқариш йўли орқали инерт гази билан (масалан, азот билан) тўлдирилиши керак. Бунда резервуарнинг деворлараро бўшлиғидаги кислород концентрацияси 10% дан ошмаслиги лозим.

Алоҳида хона ва иншоотларнинг номи	илаб чиқаришнинг ёниш ва портлаш хавфи бўйича тоифаси	ПУЭ бўйича портлаш, ёниш хавфи бўйича ҳудудлар	ГОСТ 12.1.011 ва ПУЭ бўйича портлаш хавфи мавжуд аралашмаларнинг тоифаси ва гуруҳи	Хонадаги муҳитнинг қисқача тавсифи	Изоҳ
АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ТЎЛДИРИШ СТАНЦИЯЛАРИ					
1. Автомобилларга газ тўлдириш станцияларининг бинолари:					
операторлар хонаси	Д	Нормал муҳит	-		
насос-компрессор бўлими	А	В-Ia	IIAT1 IIAT2	Пропан-бутанли аралашма Шунинг ўзи	
2. Газ тўлдириш колонкаларининг майдонлари	А	В-Iг	IIAT2 IIAT1	Ёнувчи газлар Шунинг ўзи	Колонканинг 3метр атрофидаги (шар шаклидаги) ҳудуд портловчан ҳисобланади
3. Газ сақлаш учун резервуарлар	А	В-Iг	IIAT1 IIAT2	-"	Резервуарлардан горизонтал ва вертикал бўйича 3 метр ва резервуарларнинг нафас олиш ва сақлаш клапанларидан горизонтал ва вертикал бўйича 5 метрга тенг ҳудуд портловчан ҳисобланади
АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚЎЙИШ СТАНЦИЯЛАРИ					
1. АЁҚС бинолари:					
операторлар хонаси	Д	Нормал муҳит	-		Операторлар хонаси мой колонкалари ва қадоқланган материаллар омборидан ёнмайдиган девор (тўсиқ) билан ажратилади. Эшик тўйнуқлари ёнғинга қарши эшиклар билан ҳимояланади.АЁҚС
мой колонкалари хоналари	В	П-I	-	Ёнувчи нефт маҳсулотлари Шунинг ўзи	
қадоқланган маҳсулот омборлари	В	П-I	-		

					биноси поли ернинг планлаштириш сатҳидан паст бўлмаслиги керак. Ҳаттоки пол ости бўшлиғи ва ертўлаларнинг бўлиши ҳам тақиқланади.
2. Бензин қуйиш колонкалари	A	B-Ig	IIAT3	Бензинлар, дизель ёқилғиси ва бошқа енгил алангаланувчи ва нефт маҳсулотлари	Колонканинг 3метр атрофидаги (шар шаклидаги) ҳудуд портловчан ҳисобланади
3. Мой колонкалари, мой учун резервуарлар, мой агрегатлари, аралаштириш қурилмалари	B	П-III	-	Мойлар	
4. Енгил алангаланувчи суюқликларни қабул қилиш ва сақлаш резервуарлари	A	B-Ig	IIAT3	Бензинлар, дизель ёқилғиси ва бошқа енгил алангаланувчи ва нефт маҳсулотлари	ЕАС сизимларининг нафас олиш клапанларидан горизонтал ва вертикал бўйича 5 метрга тенг ҳудуд портловчан ҳисобланади
5. Бензин ташувчи автомобилларнинг ЕАСни тўқиш даврида тўхтаб туриш майдонлари	A	B-Ig	IIAT3	Шунинг ўзи	
6. ЕАС сақланадиган резервуарларнинг нафас олиш қурилмалари	A	B-Ig	IIAT3	-"	

МЕЁРИЙ МАНБАЛАР

- ГОСТ 12.1.004-91 Пожарная безопасность. Общие требования.
- ГОСТ 12.1.007-76* ССБТ. Вредные вещества. Классификация и общие требования безопасности.
- ГОСТ 19433-88 Грузы опасные. Классификация и маркировка.
- ГОСТ 9544-75 Арматура трубопроводная запорная. Нормы герметичности затворов.
- ГОСТ 27352-87 Автотранспортные средства для заправки и транспортирования нефтепродуктов. Типы, параметры и общие технические требования.
- Основные положения по проектированию совмещенных станций для заправки автомобилей сжатым природным газом и жидким топливом.
- КМК 1.01.01-96 Система нормативных документов в строительстве. Основные положения.
- КМК 1.01.02-96 Система нормативных документов в строительстве. Порядок разработки и утверждения нормативных документов.

9. КМК 1.01.03-96 Система нормативных документов в строительстве. Правила изложения и оформления нормативных документов.
10. ШНК 1.03.01-03 Состав, порядок разработки, согласования и утверждения проектной документации на капитальное строительство предприятий, зданий и сооружений.
11. ҚМҚ 2.04.02-97 Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар.
12. ҚМҚ 2.04.08-96 Газ таъминоти. Лойиҳалаш меъёрлари.
13. ШНК 2.04.09-07 Пожарная автоматика зданий и сооружений.
14. ҚМҚ 2.05.02-95 Автомобиль йўллари.
15. ШНК 2.07.01-03 Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишни режалаштириш.
16. ОНТП 24-86 Определение категорий помещений и зданий по взрывопожарной и пожарной опасности.
17. Правила устройства электроустановок.
18. ППБ АК «Узнефтвахсулот».
19. ППБ при эксплуатации предприятий Госкомнефтепродукта.
20. Правила защиты от статического электричества в производствах химической, нефтехимической и нефтеперерабатывающей промышленности.
21. РД 34.21.122-87 Инструкция по устройству молниезащиты зданий и сооружений.
22. Правила эксплуатации электроустановок потребителей.
23. Правила перевозки опасных грузов автомобильным транспортом.
24. ДОПОГ Европейское Соглашение о международной дорожной перевозке опасных грузов.
25. Правила технической эксплуатации нефтебаз.
26. ПУиБЭФ-84 Правила устройства и безопасной эксплуатации факельных систем.

Мундарижа

Умумий ҳолатлар	3
2. Жойлаштиришга бўлган талаблар	7
2.1. Умумий талаблар	7
2.2 Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС жойлаштирилишига ва ҳудудига бўлган талаблар	12
3. Бино ва иншоотларга бўлган талаблар	17
3.1. Умумий ҳолатлар	17
3.2 Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС бино ва иншоотларига бўлган талаблар	21
4. АЁҚСнинг технологик жиҳозлари	22
4.1. Суюқ мотор ёқилғили АЁҚС технологик жиҳозларига бўлган умумий талаблар	22
4.2. Анъанавий ва блокли АЁҚСлар технологик жиҳозларига бўлган ўзига хос талаблар	27
4.3. Модули ва контейнерли АЁҚСлар технологик жиҳозларига бўлган ўзига хос талаблар	28
5. Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚСларнинг технологик тизимларига талаблар	30
5.1. Умумий талаблар	30
6. СУГни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган кўп ёқилғили АЁҚСнинг технологик тизими майдонига ва кўп ёқилғили АЁҚСнинг мустақил майдони сифатида бажарилган АГҚСга бўлган талаблар	32
7. Сиқилган табиий газни қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш учун белгиланган кўп ёқилғили АЁҚСнинг технологик тизими майдонига ва АГТКСга бўлган талаблар	34
8. Ёнғинга қарши ҳимоя воситалари	35
8.1. Ёнғин ўчириш воситаларига бўлган талаблар	35
8.2. Кўп ёқилғили АЁҚС, АГТКС ва АГҚС ёнғинга қарши ҳимоя воситаларига бўлган талаблар	36
<i>1-ИЛОВА. Мажбурий</i>	
Суюқ мотор ёқилғисини тарқатиш пунктига бўлган талаблар	38
<i>2-ИЛОВА. Мажбурий</i>	40
Автомобилларга суюқ мотор ёқилғиси қуйиш кўчма станцияларига бўлган талаблар	
1. Технологик жиҳозларга бўлган талаблар	40
2. АЁҚСни жойлаштириш майдонларига бўлган талаблар	41
3. Автомобилларга газ тўлдириш кўчма компрессор станцияси (АГТКС) ва автомобилларга газ қуйиш кўчма станция (АГҚС)ларига бўлган ўзига хос талаблар	42

3-ИЛОВА. Мажбурий

Ер устида жойлашган бир деворли резервуарлар ишлатилиши назарда тутилган, автомобилларга суюқ мотор ёқилғиси қуйиш станцияларига бўлган талаблар* 44

Резервуарлари бир деворли бўлган автомобилларга газ қуйиш станциясига қўйилган ўзига хос талаблар 45

4-ИЛОВА. Тавсия этиладиган

Бир деворли резервуарларнинг ёки икки деворли резервуарлар деворлараро бўшлиғининг зичлигини (герметиклигини) назорат қилиш тизимларига мисоллар 48

1. Бир деворли ёқилғи сақлаш резервуарларининг зичлиги (герметиклиги)ни даврий назорат қилиш тизимларига мисоллар 48

2. Икки деворли ёқилғи сақлаш резервуарлари деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни даврий назорат қилиш тизимларига мисоллар 48

3. Бир деворли ёқилғи сақлаш резервуарларининг зичлиги (герметиклиги)ни узлуксиз назорат қилиш тизимларига мисоллар 49

4. Икки деворли ёқилғи сақлаш резервуарлари деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни узлуксиз назорат қилиш тизимларига мисоллар 49

5. Икки деворли ёқилғи сақлаш резервуарлари деворлараро бўшлиғининг зичлиги (герметиклиги)ни умумлаштирилган назорат қилиш тизимларига мисоллар 50

Меъёрий манбалар 52